КУТУБХОНА
тадқиқотлар институти

ҚАНТАКИ ЎРИК НАВИ ЙЎҚОЛИБ КЕТАДИ...МИ?

Хўш, нима, Риштонда деҳқон ҳам, мутасадди мутахассису, ташкилотчи раҳбарлар ҳам шунча йиллардан буён бирдек ёмон ишлаяптиларми? Улар шартномани адо этиб эл-юрт олдида ёруғ юз билан юришни истамаяптиларми? Балки масаланинг бошқа, масалан, ер шароити билан боғлиқ томони ҳам бордир?

2-бет

МОСКВАГА... БРЮССЕЛЬ ОРҚАЛИ

Аксарият Москва кузатувчилари Тоомас Ильвес Россия билан алоқаларни боши берк кўчага олиб киришидан хавотирда. Яна айримлар эса Тоомас Ильвес махфий суръатда АҚШ фуқаролигига эгалиги ва айни пайтда у Марказий разведка бошқармаси агенти экани тўғрисида шов-шувли миш-мишларни тарқатмоқдалар.

3-бет

ЭЛНИНГ КЎНГЛИН КЎТАРАР ШОИР

Аъзамнинг армонли, булбул чаҳ-чаҳидай ғами кўтаринки, тонготарда мўйсафиднинг ҳикматидай зиё улашадиган талай шеърлари борки, уларни ўқиган ўқувчи шоир яшаган даврнигина эмас, Қиёмат қадар давом этар инсоният ҳаётининг маъсум, ёниқ, масъул чоғларини хотирлайди...

4-бет

O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 41 (503) 2006-yil 11-oktabr

«HURRIYAT»га 2007 йил учун обуна бошланди!

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Мунособат

ҲАМКОРЛИК – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, маънавий-маърифий соҳадаги туб ўзгаришлар халқимиз ва, айниқса, ёшларимиз онгида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигини оиламизда, маҳалламизда, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш тизимида янада теранроқ ҳис этяпмиз. Аммо шу билан бирга маънавий ишларимизда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмаслиги миллий қадриятларимизга зид бўлган хатти-ҳаракатларимизда, европача туриш-турмушимизда, қилиқларимизда, муомала маданиятимизда, давлат мақомига эга бўлган тилимизни бузиб, ғарбона оҳангда қўшиқлар айтаётганимизда, ўзимизга мос, ўзимизга хос кийимлар четда қолиб, ярим йиртиқ либосларда юришимизда ва мазмун-моҳияти худди шундай бўлган асарлар яратиб, уларни телевидение, радио ҳамда бошқа воситалар орқали тарғибот қилаётганимизда яққол кўринмоқда. Бу эса ёшларимизнинг шарқона одоб-ахлоқ ва маданиятдан, тарихий меросимиз ва қадриятларимизга ҳурмат билан қарашдан, урф-одат ва анъаналаримизга муҳаббатли бўлишдан узоқлашишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам таълим-тарбияни миллий истиқлол ғоялари асосида олиб боришда, ким эдиг-у, ким бўлганимизни, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ўзлигимизни бутун бўй-басти билан намоён этишимизда бундай қусурлардан ҳоли бўлишимиз, ҳуқуқий демократик дунёвий давлат қураётган бўлсак-да миллийлигимизга заррача путур етказмаслигимиз керак. Шу билан бирга умуммақсад ва манфаатларимизга салбий таъсир кўрсатадиган бундай иллатларга бефарқ қарамаслигимиз, уларга миллий ғоя тарғиботи билан кескин зарба беришимиз лозим.

Бугунги кунда мафкуравий таҳдидларнинг авж олаётганлиги айрим давлатларнинг тинчлик ва осойишталик қадрига етмай, у ёки бу жойда қинғир йўллар билан жанжал чиқаришга уринаётганликлари, ёлғон ва бўҳтон хабарлар тарқатиш орқали одамлар онгию қалбига бузғунчи ғояларни сингдиришга интилаётганликлари, уруш ва ахлоқсизликни зўр бериб тарғиб қилаётганликлари, ҳатто ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларида уялмай-нетмай жиззакиликка бораётганликлари, ҳеч бўлмаса сокин оқаётган дарё сувини лойқалатиш учун олис-олисдан тош отиш пайида эканликларининг асл мақсади нималардан иборатлигини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Шубҳасизки, буларнинг барчаси бизнинг доимо ҳушёр бўлишимиз, якдил бўлиб, мустақиллигимизга гард юқтирмаслик, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, ҳамжиҳатлик билан улкан яратувчанлик ишларини амалга оширишимиз, халқимизни ҳар қандай бегона ғоялардан асрашимиз, унинг ижтимоий–сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларимизни элим деб, юртим деб, ёниб яшашга, ўқишга, ишлашга ўргатишда ўзимиз ибрат кўрсатишимиз, бунинг учун эса маънавий-маърифий ва мафкуравий фаолиятимизнинг ҳаётбахшлигини таъминлашимизни тақозо этади.

Аччиқ бўлса ҳам, очиқ айтиш лозимки, кейинги пайтда бу борадаги саъй-ҳаракатларимизда сусткашлик, юзакичилик, хўжакўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари кўзга кўрина бошлади. Ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмаганидек, маънавият ундоқ, маънивият бундоқ деган билан муаммолар ечилиб қолмайди-ку, ахир. Демак, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизда шундай йўл тутишимиз керакки, токи унинг самараси бўлсин. Акс ҳолда меҳнатимиз зое кетади. Бундай ҳолга юз тутмаслигимиз учун энг аввало қонунларимизни пухта-пишиқ билишимиз, уларга қатъий амал қилишимиз ва ўзгалардан ҳам шуни талаб қилишимиз керак. Шундагина миллий маънавиятимиз ҳазар қиладиган ҳурматсизлик, андишасизлик, беписандлик, манманлик, таъмагирлик каби иллатлар барҳам топиб, фарзандларимизни боғчага, мактабга, коллеж ва лицейларга пул билан жойлаштиришдан қутиламиз.

Халқимизнинг "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деган мақолига амал қиладиган бўлсак, бугунги кунда айрим мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар раҳбарлари гоҳ унга, гоҳ бунга деб йил давомида пул йиғишни, "йиғ-йиғ" орқасидан одам танимайдиган бўлиб кетганликларини айтиб ўтиш ўринлидир. Баъзи бир боғча мудиралари ва тарбиячиларининг болажон ризқига шерик бўлишлари, шунингдек, айрим ўқитувчилар ўз фанлари бўйича дарсдан сўнг, мажбурий пуллик дарс ўтишлари маънавиятли кишининг ишими? Бундан туман, шаҳар, вилоят раҳбарлари бехабар деб ўйлайсизми?

Ахир, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидаги "Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", деган гаплар ким учун айтилган?!

Айрим олий ўқув юртларининг аудиторияларидаги ажабтовур манзаралар ҳам кишини ранжитмай қолдирмайди. Талабаларнинг парталарни бўлар-бўлмас сўзлар билан тўлдириб ташлаганликларини, баъзиларининг дарсга мутлақо тайёргарликсиз келганлари ҳолда ўқитувчиларни менсимай, атрофдагиларга гап ташлаб, кулиб ўтиришларини, тартибга чақирганда эса юзга чопишларини қандай баҳолаш мумкин? Бундай талабаларнинг кутубхонага кирмаслиги, газета, журнал ўқимаслиги, китоб мутолаа қилмаслиги, театр ёки стадионга бормаслиги ҳам аниқ. Бу каби талаба ёшлардан нима кутиш мумкин? Уларга билим эмас, диплом керак. Мисоллар эса денгиздан томчи.

Минг афсуски, телевидение кўрсатувларида, радио эшиттиришларида, газета саҳифаларида ана шундай нохушликлар ҳақида танқидий чиқишлар деярли йўқ. Бўлса ҳам бармоқ билан санарли. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришларимизнинг жуда кўпчилиги четдан айнан кўчирилган бўлиб, ўзбекчалаштирилганлиги учун саёз, тили ғализ, ғоявий-бадиий савияси паст, миллий мафкурамиз ва миллий маънавиятимиз талабларидан анча йироқ. Бу, айниқса, концерт дастурлари ва рекламаларда равшанроқ кўринади. Ваҳоланки, телевидение ва радио маънавий-маърифий тарғиботнинг юраги бўлмоғи керак!

Ана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, мамлакатимиз Президентининг қарори айни вақтда қабул қилинганлигидан, маънавиятимиз равнақига ғов бўлаётган иллатларни таг-томири билан суғириб ташлашга ва олдимизда турган улуғвор вазифаларни амалга оширишимизда янги имкониятлар туғилганидан мамнунлик ҳиссини туямиз.

Мазкур тарихий ҳужжат эълон қилиниши биланоқ соҳада жиддий ташкилий тузилмавий ишлар юз кўрсата бошлади. Илмий муассасалар, ташкилот ва идоралар бир мақсад йўлида бел боғлаганликлари масаланинг мазмун-моҳиятига тамоман янгича ёндашилаётганлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият Қурилиши Академияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фалсафа ва ҳуқуқ, Иқтисодиёт илмий тадқиқот институтлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети томонидан ўтказилган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда жамоатчилик фикрининг аҳамияти" мавзусидаги илмий-амалий семинар қизғин баҳс-мунозалар билан ўтди. Анжуманда янги қабул қилинган қарор олимларни кун тартибидаги долзарб масалани нафақат илмий нуқтаи назардан, балки ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва амалий жиҳатдан ҳам таҳлил қилишга даъват этганлигининг шоҳиди бўлдик. Ҳамкорликда ишлаш эса натижага эришишнинг гаровидир.

Албатта, "Миллий ғояни болалар боғчасида тарғиб қилишда қандай йўл тутиш керак, қандай усул ва услублар самара беради?" деган саволга дарров жавоб бериш қийин. Бу борада мактабга қўйиладиган вазифадан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қўйиладиган талаб бутунлай фарқ қилиши лозим. Маҳаллада олиб бориладиган ишлар эса тамоман ўзгача ёндашувни тақозо этади. Аммо уларнинг ҳаммаси илмий асосланган бўлиши шарт. Ҳаммаси инсоннинг маънавиятли ва маърифатли бўлишида асосий восита сифатида хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш йўлида қўйган ҳар бир қадамимиз ишончли ва қутлуғ бўлиши, у мамлакатимиз ва халқимиз эзгу ниятларини амалга ошишида илҳомлантирувчи кучга айланиши, тинчлик, бунёдкорлик ва фаровонликка хизмат қилиши лозим.

Нуриддин ОЧИЛОВ

Хабар

ЯНГИ ҚОНУН КЕРАК

Тошкентда "Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир Адлия вазирлиги, Республика Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ташкил этилди.

Юқори давлат бошқарув идораларидан тортиб қуйи хўжалик органлари тизимида ҳам мавжуд бўлган юридик хизмат жамиятда қонун устиворлиги ва демократия тамойилларини қарор топтиришда муҳим ўрин тутади.

Ташкилот ва идораларнинг қонунларга риоя этишини таъминловчи тизим сифатида юридик хизмат иқтисодий фаолиятнинг истиқболли соҳаси бўлган ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам амалий аҳамият касб этади.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлар эркинлигига доир зарурий ҳуқуқий замин яратилган бўлишига қарамасдан, ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ўрни деярли сезилмаяпти.

Семинар давомида илмий жамоатчилик ва етакчи ҳуқуқшунослар томонидан юридик хизматни ривожлантириш муаммолари, тизимнинг тадбиркорлар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаоллигини ошириш йўллари муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, 1996 йилда мамлакатимиз хўжалик судларида кўрилган ишлар сони 12 мингтани ташкил этган. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 150 мингтага тўғри келмоқда. Албатта, бу рақам бир томондан юртимизда тадбиркорлик субъектлари кўпайиб бораётганини кўрсатади. Бироқ бошқа томондан хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги низоларнинг кескин кўпайиб кетгани юридик хизматнинг ўз вазифасини бажармаётганидан далолат беради. Чунки агар юридик хизмат намунали йўлга қўйилса, ишбилармонларнинг шартномавий фаолиятида қонунийлик таъминланган ва натижада хўжалик судларида кўрилаётган ишлар сони ҳам қисқарган бўларди.

Айни пайтда Республикамизнинг 20 га яқин қонун, қарор ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида юридик хизмат тўғрисида банд ва моддалар мавжуд. Бироқ шиддат билан ривожланиб бораётган иқтисодий-сиёсий муносабатлар бу борада яхлит қонун қабул қилиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Тадбир давомида ҳам мутахассислар томонидан "Юридик хизмат тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш кераклиги таъкидланди.

Семинар якунида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизмат роли ва фаоллигини ошириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА

Луқма

ҚУЛАЙЛИКМИ ЁКИ БОШҚАРМА "НИҚОБИ?.."

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида Матбуот маркази тузилди. Биз бундан хурсанд бўлдик. Лекин...

Неъмат Хўжаевнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига раҳбар этиб тайинланганига кўп бўлгани йўқ. У ишга кириши билан вилоятдаги журналистлар билан матбуот анжумани ўтказди. Бундан биз мухбирлар қувондик. Анжуманда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида батафсил фикр юритилди. Журналист-мухбирлар соғлиқни сақлаш бошқармасида матбуот марказини ташкил этиш таклифини илгари сурдилар. Таклиф инобатга олинди чоғи, кўп ўтмай матбуот маркази ташкил этилди. Хурсандлигимиз яна ўн чандон ошди. Ахир, нега қувонмайлик, юмушларимиз энди анча осон бўлади, матбуот хизмати мухбирлар билан бевосита ҳамкорликда ишлайди, яқиндан ёрдам беради деб умид қилгандик-да. Лекин, афсуски, амалда хурсандчилик узоққа чўзилмади. Маълумот ёки ахборот олиш аввалгига нисбатан ўн чандон мураккаблашди, десак ишонаверинг. Энди маълумот ёки ахборот олиш учун аввал матбуот маркази раҳбарига учрашилади. Мухбирни махсус китобга рўйхатга олишади, зарур бўлган маълумотларни жойига чиқмасдан — танишмасдан бошқарманинг ўзидан оласиз. Марказ рухсатисиз туман шифохоналарига борган мухбирларга маълумот бермаслик тўғрисида алоҳида топшириқ берилган. Матбуот хизмати раҳбари, шифокор Замира Ҳусаиновaнинг мухбирларни "кординация" қилишидан асл мақсади нима эканлигини тушуниб етмаяпмиз. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида муаммолар ҳам етарли эканлиги сир эмас. Матбуот маркази гўё бошқарма тизимидаги камчилик ва муаммоларни матбуотда чоп этишдан ҳимоя қилиш учун ташкил этилгандек туюляпти.

Яқинда бу борадаги ҳақиқий аҳволни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Жомбой туманидаги "Журрият" қишлоқ врачлик пункти (ҚВП)да бўлдик. ҚВП раҳбари бизга аввало соғлиқни сақлаш бошқармасидан йўлланмангиз бўлиши, сўнгра туман марказий шифохонаси бош врачидан рухсат олишингиз керак. Бўлмаса маълумот беришга ҳаққим йўқ, деди. Шундан кейин туман марказий шифохонаси бош шифокори ўринбосари билан учрашдик. У киши бунинг учун вилоятдан "йўлланма" билан келишингиз керак эди, деди. Сабр қилиб бошқармада ҳам бўлдик, матбуот котиби Замира Ҳусаинова орқали шахсан Неъмат Хўжаевга чиқишгача етдик. Нарпай тумани шифохонаси бош врачи Қаҳрамон Саидов эса ҳеч қандай маълумот бермайман, хонамдан тезда чиқиб кетинглар дейишгача борди. Туман прокурори аралашганидан кейин керакли маълумотларни олишга муяссар бўлдик.

Бу нима? Мухбирлар учун яратилган қулайликми ёки камчиликларни ошкор этилишининг олдини олишга қаратилган ниқоб...ми?

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ, "Hurriyat" мухбири, Баҳодир ХИДИРОВ, жамоатчи мухбир

***Мусофирлик келтирмагай бахту иқбол,
Нони ҳалол тўти сизга очади фол.***

Жаҳонгир МИРЗО чизган сурат

Чизгилар

Фазо саҳросида секундига 30 километр тезликда ҳаракатланаётган Ер сайёрасининг Марказий Осиёдаги бир бўлагида ҳар йили сумбулада оқ ранг пайдо бўлади. Бу оқ булут ёки қор ҳам эмас, балки инсон меҳнати билан яратилган мўъжиза — Ўзбекистон пахтазорларидир. Ҳа, бебаҳо бойлигимиз — пахтамиз юртимиз жамолини осмонларга ҳам кўз-кўз қилади, Ўзбекистон кузининг ўхшаши йўқ тимсоли бўлиб жаҳонни ҳайратлантиради. Яна шу дамларда Ернинг ўша бўлагида осмонни ранго-ранг мушаклар безайди. Ўзбекистон тантанавор либосга бурканади. Олтин куз зарҳал саҳифа — Биринчи сентябрь — энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик айёми билан бошланади. Ўзбекистон кузи ана шундай улуғ кунлар билан ҳам тароватлидир, салобатлидир. Ва шу боис ҳам у биз гулларга бурканган баҳордек соғиниб кутадиган фаслдир.

Ватан кузини довонлар оша от чоптириб кетаётган чавандозга қиёслайман. У қорли-қировли, сумалакли-жамалакли, саратон тафтида кўпчиган тупроқли-тошли йўллар оша таг-тубига игна тушса, кўринувчи зилол сувли сумбулага етиб келгунча ер ҳам Бобо Қуёш атрофини бир айланиб бўлади. Коинот кенгликларидаги миллион-миллион километрли бу масофа Ер ҳисобида кеча-кундузли 365 кундир. Уч юзу олтмиш беш куннинг ҳар 90 кунида Ўзбекистон чеҳрасида турфа ранглар жилваланади. Олтин куз Ватан табиатидаги барча ранглар жамланадиган, уйғунлашадиган бетакрор фаслдир. Бу фаслни фасллар интиҳоси деб бўлмайди. Куз табиати гоҳ ёзни, аҳён совуқлари эса қишни эслатади.

(Давоми 4-бетда).

Жараён

МАНФААТНИНГ МЕЗОНИ НИМА?

маънавий қониқишми ёки моддий неъмат?

Аввало кўнглимда кечаётган оғриқли саволларни муштарийлар ҳукмига ҳавола этмоқчиман:

Фойда кўриш учун тиш-тирноғи билан интилган одамларнинг ҳаммаси худбин, манфаатпараст ҳисобланадими? Фақат кўпнинг, аниқроғи миллатнинг манфаати билан яшаш мумкинми? Фидойилик учун рағбат талаб қилиш салбий ҳолатми ёки ижобий? Умуман бундай туйғулар инсонда қандай шаклланади?

Энди ўзим гувоҳ бўлган ва фикри ожизимча хулоса чиқарганим – воқеаларни айтиб ўтсам.

Олий ўқув юртида учрашув чоғида талабалардан бири "Сизлар айрим адолатсизликларни ёзмаяпсизлар", деб таъна билдирди.

– Масалан? – сўрадим ундан.

– Қишлоғимиздаги мактаб давлат томонидан қайта қуриш режасига киритилган эди. Марказдаги одамлар зўрлик қилдими, билмадим, бизники қолиб, қўшни қишлоқдаги мактаб янгиланди. Ҳавасимиз келади. Аммо нега бизнинг қишлоқдаги мактаб режадан тушиб қолди? Нега у ҳақда ёзмайсизлар?

Саволига савол билан жавоб қайтардим:

– Мабодо отангиз ёки акангиз ўша янгиланган мактабда раҳбар бўлганда шу саволни берармидингиз?

У жавоб беролмади. Фақат "Камчиликни айтсак, шунақа уялтирасизлар", деб яна пичинг қилди. Барибир ақлли тенгдошлари олдида изза бўлди.

Менинг эса кўнглим оғриди. Давлатимиз раҳбари тишининг орасида сақлаган маблағини ҳам мактаб учун сарфлаб турган бир пайтда бу йигит уни тушунмаса. Келинг, очиғини тан олайлик, бу каби ёшлар миллат ва шахсий манфаат ҳақида оқилона тушунчага эга эмас. Шу сабабли хулосалари ҳам бир ёқлама – "Нега менга эмас?" қабилида.

Ўша даврада айнан Юртбошимиз ташаббуси билан вилоятимизда 2005 йилда 6 та янги мактаб қурилгани, 28 таси капитал реконструкция қилингани, 33 таси капитал таъмирлангани, жорий йилнинг сентябрида эса 6 та янги мактаб фойдаланишга топширилиши, 80 га яқин янгиланган мактаб ўқувчиларни қабул қилишини айтишга тўғри келди. Ҳукуматнинг қарорига кўра келаси йили мавжуд барча мактаблар замонавий тус олади. Масала моҳиятини тушунган йигит-қизлар ўша тенгдошига ачиниб қарашди.

Ёши бир ерга борган домла ҳам ўзини тута олмади:

– Болаларим, ҳар доим ҳам яхши ҳаёт қурбонлик талаб қилган. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида минглаб ота-боболаримиз ҳаёти эвазига душманга қул бўлмадик. Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори қурилишида одамлар болаларимиз ҳаёти фаровон бўлсин деб, маош олмасдан ишлашган. Ҳудудларимизда босқинчилар ўқидан ҳалок бўлган йигитларимиз ўз ҳаёти, манфаатини ўйлашган эмас...

Миллий манфаат йўлида кимдандир маблағ, кимдандир вақт, ташкилотчилик, эътибор талаб этилади. Лекин ҳаммасини ушлаб турувчи туйғу – эътиқод!

Мамлакатимиз раҳбари беш йил илгари Имом ал-Мотрудий ёдгорлигини барпо этиш ҳақида қарор чиқарди. Қисқа муддатда Чокардиза қабристони обод зиёратгоҳга айланди. Самарқанднинг энг оғир нуқтасида бу иш бажарилди. Регистонда шоҳи сўзанага ямоқ бўлиб турган ресторанни бузиш осон кечмади. Собиқ кинотеатр атрофида қўзиқориндай кўпайган дўконларни кўчиришдаги можароларни айтмайсизми? Шаҳар обод бўладими, бўлмайдими, улар учун барибир, энг муҳими, даромаддан қуруқ қолишмасин.

– "Юбилейная" ресторанини бузишга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатган қариялар яқинда мендан кечирим сўрашди, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокими Суҳроб Рафиқов. – Неварамизнинг даромадини ўйлабмиз-у, аммо шаҳримиз шу қадар чирой очишини, чет эллик сайёҳлар диққатини тортишини тасаввур қилмаган эканмиз...

Демоқчиманки, миллат манфаати мавҳум тушунча эмас. У фидойилик, шахсий ибрат, жонкуярлик туфайли юзага чиқади. Кўпга келган, буюрган наф унинг ҳаётийлиги, барқарорлигини таъминлайди.

Битта мисол. Тайлоқ тумани жамоатчилигига бу ерда яшаб ўтган аллома ад-Даромий қабрини обод этиш ҳақида ҳеч ким кўрсатма берган эмас. Мотрудий мажмуасининг барпо этилиши уларнинг ғурурини қўзғади. Собиқ ҳоким Жамшид Ашуров (жойи жаннатдан бўлсин!) тумандошларига маслаҳат солди, масала моҳиятини тушунтирди. Ҳар куни минглаб одамлар ишлади. Ҳоким ва унинг атрофидаги раҳбарлар олти ой ҳузур-ҳаловатдан воз кечишди. Ҳомийлар ҳам топилди. Қурувчиларга овқат пишириб келган чол-кампирларни ўзим кўрдим.

Бугун кўркам зиёратгоҳдан одамлар қадами узилмайди. Нафақат ад-Даромийнинг пок руҳи, балки мажмуа бунёдкорларининг фидойилиги ҳам ташриф буюраётганлар қалбига илиқлик бахш этмоқда.

Ургутда Ғавсул Аъзам зиёратгоҳи ҳам худди ана шундай фидойилик туфайли барпо этилди. Бундай мисолларни яна ўнлаб келтириш мумкин. Хулоса шулким, бундай юртдошларимиз миллат тарихи, мероси ва қадриятига ҳурматни шахсий манфаатдан устун билдилар.

Маҳалламизда яхшигина дўкон пайдо бўлди. Нарсалари бозордагидан анча арзон. Дўкондор бола-чақаси билан ишлайди, айрим нарсаларни агар илтимос қилсак, уйга ҳам келтириб беришади. Улар даромаддан маҳалла тадбирларига ҳам ажратишади.

Яқинда текшир-текширдан сўнг дўкон ёпилди. Ёши бир ерга борган қўшнимиз тегишли идораларга хабар берибди. Сабаби оддий – дўкончидан ёрдам пули сўрабди. Табиийки, у бермаган. Натижада отахон шикоят ёзишга тушган. Дўкондор ҳам жаҳл устида ишни йиғиштириб қўйди. Энди оқилона баҳо беринг, отахон ўзи манфаат кўрмагачгина "шахсий манфаат йўлида ғайриқонуний савдо қилаётган" дўкондор фаолиятига ёпишиб олмадими? Беминнат хизматдан фойдаланаётган маҳалла аҳли манфаати нима бўлди? Ёки ўғринча моллар (ҳаркалай, ҳаммаси эмасдир-ку!) олиб келиб сотаётган дўкондорни айблаш керакми?

Биз истаймизми, йўқми – инсон ҳаёти манфаат асосига қурилган. "Аввал иқтисод, кейин сиёсат" ибораси бежиз айтилмаган. Ўз эҳтиёжидан кўп нарсани талаб қилиш шахсий манфаатнинг салбий кўриниши. Бунақаларни "кўзи тўймайдиганлар" тоифасига киритамиз.

Ўз тинчлиги, ҳузур-ҳаловати йўлида бошқаларга озор етказувчилар ҳам борки, уларнинг иллати болаларга тез юқади. Мен корхонасидан ул-булни ўғирлаб келган, кўчадаги қудуқ қопқоғини уйига ташиган, ҳовлидаги қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойга ташлаб кетаётганларни назарда тутяпман. Бундай ота-она тарбиясидаги бола худбин бўлиб ўсиши тайин. Чунки кўрганлари уларга эшитганларидан кўра тезроқ таъсир қилади. Майда-чуйдадек туюлган бу хил иллатлар охир-оқибатда шахсий манфаат туйғусининг устун бўлишига олиб келади.

Огоҳ бўлинг, Худо ана шундай оқибатдан асрасин.

Фармон ТОШЕВ

Мерос

ЯПОНЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛГАН ЛУҒАТ

ёхуд Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси хусусида

2004 йилнинг сентябрь ойларида япониялик икки олим – Канда университетининг профессори Kanno Hiroomi билан бирга Токио университетининг доценти мўғулшунос олим Saito Yoshio Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига келишди. Уларнинг мақсади музей қўлёзмалар фондида сақланиб келаётган хоразмлик буюк ватандошимиз Муҳаммад Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» қўлёзма нусхасининг факсимил нашрини ҳамкорликда амалга ошириш эди. Биз Япониядек ўлкадаги илм аҳли меросимиз билан қизиқаётганлигидан фахрландик ва уларнинг таклифларини мамнуният билан қабул қилдик. Бу улкан иш мазкур олимларнинг саъй-ҳаракатлари ва илмий-ташкилий ишлари туфайли 2006 йил охирларида илмий муомалага киритилиб, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйига муносиб совға бўлади деган умиддамиз.

Маълумки, Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамат ул-адаб» луғатининг ноёб ва якка ю ягона ҳисобланиб келаётган ушбу нусхаси ўз тарихига эга ва у Адабиёт музейи фондининг ташкил топиши тарихи билан чамбарчас боғликдир. Шу боис биз қисқача бўлса-да, музей фонди тарихига тўхтаб ўтиб, сўнгра бу асар тафсилоти ҳақида гапиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг ҳозирги қўлёзмалар фонди 1939 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича тузилган давлат комитети қошидаги кўргазма ҳолатида бўлган. Кўргазма ўз фаолиятини 1940 йилдан бошлаган бўлса ҳам, уни қўлёзма китоблар билан бойитиш иши илгарироқ амалга оширилиб борилган. 1938-1940 йиллар ичида кўргазма учун 31 қўлёзма йиғилган. Бу қўлёзмаларнинг 26 таси Тошкентда, қолган 5 таси Қўқон, Марғилон, Фарғона, Бухоро ва Туркистонда сотиб олинган. 1947 йилда кўргазма заминида Адабиёт музейи ташкил топган. 1938 йилдан бошлаб кўргазма ва 1947 йилдан сўнг музей учун сотиб олинган қўлёзма китоблар инвентар дафтарига фақат 1950 йилдан киритила бошланган. 1940-1941 йиллар ичида музейга 35, 1956 йилда қўлёзмалар сони 166 тага етган. Музейга олинган қўлёзма ва литографик китобларни топиш ва уларни қўлга киритишда проф. Ҳоди Зариф бошчилигида Мўминжон Муҳаммаджонов, Шокиржон Афзалов, Холид Расулов ва Ася Воротниковаларнинг хизмати катта бўлган.

1958 йилдан Адабиёт музейи Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти қошига ўтказилади. 1956 йилнинг охиридан 1968 йилгача аҳолидан 74 қўлёзма қабул қилинган. 1967 йилда ҳукумат қарори билан Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига янги 4 қаватли бино берилиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мустақил илмий ва илмий-маърифий муассасасига айлантирилди. Унинг раҳбари этиб проф. Ҳамид Сулаймон тайинланди.

Шундай қилиб, кичик бир кўргазма заминида барпо қилинган музей қўлёзма фонди 2330 қўлёзма ва 3000 дан зиёд босма китобга эга бўлди. Фонддаги қўлёзма ва литографик китоблар музейнинг экспозиция залларида намойиш қилиниб, томошабинларда халқимиз яратган маънавий бойликка нисбатан фахр туйғуларини уйғотиш билан бирга, чет эллик олимлар диққатини ҳам ўзига жалб қилиб келмоқда. Мана шу қўлёзмалар ичида Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» асари алоҳида ўрин тутади. Бу қўлёзма дастлаб 1939-1940 йилларда Алишер Навоийнинг 500 йилик виставкасини ташкил этиш бўйича олиб борилган изланишлар, илмий-ташкилий ишлар натижасида юқорида айтилган Навоий юбилейини ўтказиш давлат қўмитасининг мулкига айланган, кейинчалик эса Адабиёт музейи фондидаги қўлёзмалар қаторидан ўрин олган.

Маълумки, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Жоруллоҳ аз-Замахшарий ал-Хоразмий алимомул алломадирки, Шарқда Фахри Хоразм ва Устод ул-араб ва-л-ажам (араб ва ажам халқларининг устози) номи билан шуҳрат топган буюк сиймодир.

Маҳмуд Замахшарий ҳижрий 467 (милодий 1075) йил ражаб ойининг 27-сида Хоразм вилоятининг Замахшар қишлоғида дунёга келди ва ҳижрий 538 (милодий 1144) йилда Журжония (ҳозирги Урганч) шаҳрида вафот этди.

Замахшарий жуда сермаҳсул олим бўлиб, 80 дан ортиқ ноёб асарлар ёзиб мерос қолдирган. Булардан 50 таси бизгача етиб келган, қолган асарларининг ҳозирча фақат номлари маълум, холос.

Замахшарий адабиёт соҳасида ҳам оламга машҳур бўлиб, кўп нодир асарлар яратди. Жумладан, алломанинг адабиётшуносликка оид асарларидан қуйидагилар шуҳрат топган: «Рабиъ ул-аброр» («Яхшилар баҳори»), «Мақомат уз-Замахшарий» («Замахшарий мақоматлари»), «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шодалар»), «Насоиҳ ус-сиғар» («Ёшларга насиҳат»), «Нузҳат ул-мустаънис» («Ҳамсуҳбатлар роҳати») ва ҳоказо.

Маҳмуд Замахшарий ўз даврининг буюк ижодкори бўлибгина қолмай, ўша замоннинг гуманитар фанлари бўйича ҳам зўр мутахассис ва шу илмларнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган олим ҳам бўлган. Замахшарий араб тили, адабиёти, тарихи ва географиясига оид 50 дан ортиқ ноёб асарлар ёзиб қолдирган. У «Китоб ал-қустоқ фи илмил-аруз» («Аруз ўлчови») асари билан араб арузининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Замахшарийнинг кўпчиликка кам маълум бўлган бу асарининг Лейден кутубхонасидаги қўлёзма нусхасини излаб топган ўзбек олими Ўткир Қориев бу асар ҳақида тўлиқ маълумотни чоп этган. Унинг фикрича, олимнинг бу асари Ҳожи Халифа, Якут ал-Хамавий, Альвард, К.Броккелман, Журжи Зайдон ва Хайриддин аз-Зарколий асарларида зикр этилган. Асар ўзининг тузилиши жиҳатидан қисқа, содда ва тушунарли бўлиб, арузнинг асосий қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаштиришдан ташқари унинг ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшганлиги билан ажралиб туради.

Маҳмуд Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид «Ал-унмузаж финнаҳв» («Наҳв илмидан намуна») асари ажам халқларига араб тилини содда равишда ўзлаштириш учун мўлжалланган қўлланма бўлиб, у халқ орасида кенг тарқалган. Араб бўлмаган халқлар, хусусан, Ўрта Осиё халқлари орасида шуҳрат топган бу асар ёрдамида ўқувчилар асарнинг содда тузилганлиги ва мукаммал изоҳлар орқали араб тили қонун-қоидаларини енгил ўзлаштирганлар. Бу асар Ўзбекистонда 2005 йили А.Абдужабборов томонидан чоп этилган ва асар бўйича ёш тадқиқотчи М.Носирова 2003 йилда номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилган.

X-XIII аср араб олимларининг гувоҳлик беришича, Замахшарийнинг нутқ маданиятига оид «Асос ул-балоға» асари ўз замонининг нотиқлари учун муҳим қўлланма сифатида хизмат қилган. Унда араб тилининг бойликларидан унумли фойдаланиш, сўз иборалари ва маънодош сўзларнинг маҳорат билан қўллаш йўлйўриқлари тафсилоти билан баён қилинган. Бу асар ўзининг моҳияти ва ихчам тузилганлиги билан араб шоирлари ва нотиқлари томонидан стилистик восита сифатида муваффақият билан қўлланилган.

«Навобиғ ул-калим» («Ҳикматли сўзлар») асарида Замахшарий араб мақолларида зоҳир бўлган ҳикматли сўзларни бу китобида жамлаган.

Бу китоб 1914 ва 1927 йилларда Мисрда нашр бўлган, 1876 йили французча таржимаси билан Парижда босилган. Китобга бир неча шарҳлар ёзилган. Жумладан, Абулҳасан Хоразмийнинг «Навобиғ ул-калим маа савобиғ фи шарҳ ин-навобиғ» асари 1896 йилда Қозонда нашр бўлган. Яна «Навобиғ ул-калим» татарчага Шаҳобуддин Бошо томонидан таржима қилинган, 1904 йил Қозонда нашр этилган нусхаси (ЎзФА ШИ № 3938) мавжуд. Бу асар Байрут, Истанбул ва Қоҳирада нашр этилган. Муҳаммад ал-Хуфий дейди: «Мен бу китобнинг қўлёзма нусхасини «Ан-насоиҳ ас-сиғар ва-л-баволиғ ул-кибор билан бирга Қоҳира кутубхонасида (13478 рақамда) учратдим».

Замахшарий «Навобиғ ул-калим» асарида чуқур маъноли фикр-мулоҳазаларини аниқ ва ихчам ифодалаб, ажойиб афоризмлар яратган. Бу асар сўзларининг ихчамлиги ва ниҳоят пурмазмунлиги билан бошқа асарларидан бир мунча фарқ қилади.

Замахшарий бу асарида кўпроқ масал, мақол ва ҳикматли сўзларни ишлатган.

Маълумки, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» асари қўлёзмаларининг арабча-форсча, арабча-форсча-туркча ва арабча-форсча-туркча-мўғулча, яъни икки, уч ва тўрт тилли нусхалари мавжуд. Бу луғатни ўрганиб чиққан тадқиқотчилар унинг дастлаб арабча-форсча тилларда яратилганлигини якдиллик билан таъкидлайдилар. Лекин сўнгги тадқиқотлар натижасида «Муқаддамат ул-адаб» қўлёзмасининг арабча-хоразмийча тилларда яратилган қадимий нусхаси топилди. «Муқаддамат ул-адаб» дастлаб араб ва форс тилларида яратилган ва у кенг тарқалгач, кейинчалик Хоразм ҳокими Отсиз (1127-1156) буйруғига кўра муаллифнинг ўзи уни туркийга ўгириб «Муқаддамат ул-адаб»нинг уч тилли, яъни арабча-форсча-туркча нусхасини яратиб ҳокимга тақдим этган.

«Муқаддамат ул-адаб» арабча-форсча луғат. Кейинчалик луғатнинг арабча қисми эски ўзбек ва мўғул (араб графикасида) тилларига ҳам таржима қилинган. Адабиёт музейи хазинасида сақланаётган нусхамиз шу тўрт тилдадир. Замахшарий луғатни, юқорида айтганимиздек, хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизнинг буйруғи билан унинг кутубхонаси учун тузган.

«Муқаддамат ул-адаб» муқаддима ва беш қисмдан иборат. Қисқагина муқаддима (16—5б) да араб тили, уни ўрганишнинг ниҳоятда зарурлиги, Отсизнинг буйруғига биноан луғатни ёзиб тугатгани ва унинг қисмларга ажралиши ҳақида гапирилади. Луғатнинг ўзи беш қисмдан иборат:

1. Ал-қисм фи-л-асмо (исмлар қисми).
2. Ал-қисм фи-л-афъол (феъллар қисми).
3. Ал-қисм фи-л-ҳуруф (ҳарфлар, яъни исм ва феъллардан ташқари сўзлар қисми).
4. Ал-қисм фи тасарруф ал-асмо (исмларнинг сўз ясалиш қоидалари қисми).
5. Ал-қисм фи тасарруф ал-афъол (феъларнинг сўз ясалиш қоидалари қисми). Бизнинг нусхада луғатнинг фақат биринчи (6а—215а) ва иккинчи (215б—531а) қисмлари мавжуд.

Луғатнинг исмлар қисмида сўзлар тематик принцип бўйича жойлаштирилган бўлиб, аввало вақт-замон тушунчасини билдирувчи сўзлар, сўнг осмон жисмлари, ер, сув, ўсимлик, макон (манзил), рўзғор асбоб-ускуналари, Аллоҳ ва унинг сифатлари, инсон анатомиясига оид сўзларнинг группалари бир неча бобларга киритилган. Боблар эса мавзу бўйича бир-бирига энг яқин сўзларни ўз ичига киритган фаслларга ажратилган. Луғатнинг иккинчи қисмида феъллар араб тилидаги феъл боблари бўйича группалаштирилган. Бу қисм уч ҳарфли феъллар (11 боб) ва тўрт ҳарфлилар (1 боб) га ажратилган 12 бобни ўз ичига олади. Луғатнинг исмлар қисмида синоним сўзларни топиш учун қулайлик бўлса, феъл қисмида феъл бобларининг маънолари аниқ сезилиб туради.

Луғатнинг арабча сўзлиги миқдор жиҳатидан кўп, чунки форс, турк ва мўғул тилларида арабча (айниқса, сўзларнинг) айнан эквивалентлари йўқлигидадир. Бундан ташқари луғат «Исмлар» қисмидаги аксар мавзулар ичига (масалан, таом номлари) туркий сўзлардан талайгинасини киритиш мумкин бўлса-да, бош арабча сўзликда бундай сўзларнинг эквиваленти бўлмаганлиги учун четда қолиб кетган. Шунинг учун ҳам луғатнинг асосий арабча матни ҳамма қўлёзма нусхаларда ҳеч бир ўзгаришсиз кўчирилган. Форс қисмида эса қўлёзма кўчирилган даврга қараб ўзгаришлар киритилган. Бу ҳолат учинчи тил бўлган туркий сўзларда яна ҳам яққол кўринади. Бу лингвистик фарқларни А.Боровков ҳам, Ф.Абдуллаев ҳам шу асар ҳақида ёзган мақолаларида эслатиб ўтадилар ва нусхалар орасидаги фарқларни уларнинг кўчирилган жойига қараб, яъни диалектал шароитнинг турлича бўлиши билан изоҳлайди.

Маҳмуд Замахшарий ва унинг «Муқаддамат ул-адаб» луғати ҳақида олимлар жуда катта ишларни амалга оширганлар. Хусусан бу асар ҳақида академик А.Рустамов, А.Валидий, Муҳаммад Козимбек, Б.Ҳасанов, У.Турсунов, У.Қориев, М.Оқилов, У.Уватов, М.Ҳакимжонов, З.Исломов, М.Носирова, шунингдек, рус ва Ғарб олимларидан Н.Поппе, И.Крачковский, А.Боровков, А.Холидов, Броккельман, Зайонгковский ва бошқалар монография, рисола ва илмий мақолалар эълон қилганлар.

Ҳозирги вақтда Маҳмуд Замахшарийнинг бизгача етиб келган меросини ўрганишнинг янги палласи бошланди. Айниқса, республикамизда етишиб чиқаётган ёш мутахассисларга бакалавр, магистрлик ва номзодлик мавзуларини Маҳмуд Замахшарий асарларини тадқиқ этиш бўйича берилаётганлиги бу улуғ сиймо меросининг янги қирраларини очишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Албатта, бу қувончли воқеа ва «Муқаддамат ул-адаб» нашрининг Японияда амалга оширилиши тадқиқотчиларнинг асар бўйича олиб бораётган изланишларида муҳим бир манба бўлиб хизмат қилади деб умид қиламиз.

Шундай қилиб, буюк бобокалонимиз Маҳмуд Замахшарий бизга бой ижодий мерос қолдирди. Уни тадқиқ этиш борасида катта ишлар қилинган бўлса-да, келгусида тинмай изланишлар олиб бормоқ бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир.

Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган бу улуғ аждодимизнинг меросини чуқур ўрганиш, уни илмий муомалага киритиш бир томондан Шарқ халқларининг муштарак бўлиб келган маданиятини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилса, бошқа томондан Маҳмуд Замахшарийнинг жаҳон маданияти ривожига не қадар ҳисса қўшганлигини рўёбга чиқариш имкониятини беради.

Саидбек ҲАСАНОВ,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор

Мулоҳаза

КИЙИМЛАРИМИЗ ЎЗГАРИБ КЕТЯПТИ...

Йигит билан қиз автобусда кетишяпти. Қиз йигитга дейди:

— Хоҳлайсанми, кўричагим олиб ташланган жойни кўрсатаман.

Қиз баданини кўриш умидида бўлган йигит: "Кўрсат", дейди. Шунда қиз: "Анави бинода", дея касалхонани кўрсатади.

Ҳозир бундай латифага дарров ҳеч ким кулмаса керак. Чунки қизларимиз шунақанги кийинишадики, баданларидан кўричак олинадиган жойлари у ёқда турсин, ундан пастлари ҳам очиқ кўриниб туради.

Яқинда бир анжуманда қатнашишга тўғри келди. Анжуман иштирокчиларига тарқатилган материалдаги бир нечта фактлар ўйлантириб қўйди. Маълум бўлишича, сўнгги бир асрда эркакларимизнинг ҳам, аёлларимизнинг ҳам кийимлари жиддий ўзгариб кетибди. Ўтган аср бошларида Шарқ аёлларининг либоси — кенг, узун кўйлак, камзул ва калишмахси бўлган. Анъанага кўра аёллар кўйлаги баданнинг паст-баланд жойларини билинтирмайдиган даражада кенг бўлиши, енглари эса билакларини тўла ёпиб туриши керак эди.

Орадан ўтган 60-70 йил мобайнида аёлларимизнинг кийимлари тубдан ўзгариб кетди. Ҳозирги кунда нафақат қизлар, балки 40-50 ёшли аёллар ҳам тор кўйлак ва тор шим билан бир қаторда мини юбка, жуда ҳам тор шимлар кийишмоқда.

"Энди кийим аёлларнинг авратини яширишга эмас, янада бўрттириброқ кўрсатишга хизмат қила бошлади", деб таъкидланади тарқатилган материалда. Дарҳақиқат, аввалари аёллар баданининг атиги 5-6 фоизи очиқ бўлган бўлса, бугунги кунда ёз фаслларида аёлларимиз баданининг 50-60 фоизи очиқлиги кўзга ташланмоқда.

Ёз фасли эди. Бозорда бир танишимни 17-18 ёшли қизи билан кўриб қолдим. Қизи шунақанги кийинганки, тахминан 4-синфдаги юбкасини кийиб олгандек кўринди. Унинг кўриниши ҳар қандай эркакнинг ақлини йўқотиб қўйишига олиб келар даражада. Мени ўйлантирган нарса ота ва қизнинг шундай юриши бўлди. Агар қизини танимаганимда танишим жазмани билан юрибди, деган хаёлга борардим. Наҳотки, шу даражага етиб борган бўлсак?!

Бадани очиқ аёллар у ёқда турсин, ҳатто ҳижоб кийган қиз-жувонлар ҳам шундай тор либос кийишадики, гўёки шу билан ўз баданларини кўз-кўз қилмоқчи бўлаётганга ўхшашади. Наҳотки фаросатимиз шу даражада сийқалашиб кетган бўлса, деган хаёлга бораман. Ҳамда ҳарбийдан дарс берган ўқитувчимизнинг қизларни уришганда "Мўдданинг уйига ўт тушсин" деган гапларини эслайман.

Ш. ТЎЛАГАНОВ

Муаммо

ҚАНТАКИ ЎРИК НАВИ ЙЎҚОЛИБ КЕТАДИ...МИ?

Риштонда ерости сувининг кўтарилиши боғдорчилик ва деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатяпти

Фарғона вилоятида бу йил 115 минг гектар майдонда пахта етиштирилган. Шартнома бўйича унинг ҳар гектаридан ўртача 28,1 центнердан, жами 323 минг тонна ҳосил тайёрлов идораларига топширилиши керак. Бугунгача режа 80 фоиздан ошди. Пахтакору мутахассислар, ташкилотчию раҳбарларнинг қилган астойдил меҳнатлари туфайли аслида бундан-да юксакроқ рақамларга эришилган бўларди. Аммо, назаримизда, вилоятда асосий эътибор, бор куч экиш, парваришлаш, йиғим-терим, деҳқончилик ишини ташкил этишга қаратиляпти. Аслида эса бугунги табиий шароит аввало ернинг мелиоратив ҳолатини тубдан ўзгартириш масаласига устиворлик мақомини беришни тақозо этади. Фарғона вилоятидаги суғориладиган майдонлар, биринчидан, водийнинг марказида жойлашган. Иккинчидан, унинг сатҳи Андижон, Наманган, қўшни давлатларнинг Сўғд, Ўш, Боткен, Жалолобод каби вилоятлари суғориладиган майдонлари сатҳидан паст. Табиийки, бундай шароитда ерости сизот сувлари оқими пастликка томон юради, шўрланиш авж олади. Фарғона вилоятида шўри ювиладиган экин майдонларининг миқдори, масалан, биргина Андижон вилоятиникига нисбатан қарийб 30 фоиз кўп.

Биз бундай маълумотларни вилоятда қайсидир юксак натижаларга эришилмаётгани учун оқлов сабаблари деб келтираётганимиз йўқ. Деҳқон ўз меҳнати маҳсулидан кўпроқ баҳра олиши, рухланиши ва, албатта, моддий манфаатдорлиги ортишига хизмат қилармикан бу гаплар, деган фикрдамиз, холос. Масалан, Риштон туманини олайлик.

2006 йилда 9 минг гектарга, шундан қарийб 6 минг гектари бўз тупроқли Марказий Фарғона ўлларига чигит экдилар. Туман ҳокими Ғайратжон Мамадалиевнинг айтишича, ана шу 6 минг гектар экин майдонининг бонитети 30 ни ташкил этади. Лекин туманда ўртача ҳосилдорлик 28,6 центнер деб белгиланган. 2005 йилда бу ерда деҳқончиликнинг фермер хўжалиги шаклига тўлиқ ўтилган. Собиқ ширкат хўжаликлари ўрнида 661 та фермер хўжалиги аграр тармоқдаги ишлари билан банд. Туман, мана, 12 йилдирки, давлатга пахта сотиш режаларини сурунқали равишда бажармайди. Бу йиллар мобайнида 6 марта ҳоким, бир неча ўнлаб марта хўжалик раҳбарлари алмашди. Лекин пировард натижада ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмаяпти. Бугунгача туманда режани 70 фоиздан оширди. Биз башоратчи эмасмиз, аммо даладаги ҳосил чўғига деҳқон, мутахассис кўзи билан қараганлар бу йил туман режадаги маррага ета олмаслигини айтяптилар... Хўш, нима, Риштонда деҳқон ҳам, мутасадди мутахассису, ташкилотчи раҳбарлар ҳам шунча йиллардан буён бирдек ёмон ишлаяптиларми? Улар шартномани адо этиб эл-юрт олдида ёруғ юз билан юришни истамаяптиларми? Балки масаланинг бошқа, масалан, ер шароити билан боғлиқ томони ҳам бордир? Балки дон ва пахтачиликда шартнома учун белгиланган ҳосилдорлик кўрсаткичи ернинг ҳақиқий қуввати, бонитети кўрсаткичига мос эмасдир? Агар шу гапда заррача ҳам асос бўлса, нега энди деҳқон ошириб белгиланган ҳосилдорлик кўрсаткичига эриша олмагани учун маънавий ҳамда моддий жабрланиши лозим?

Шимолий Боғдод коллектори "Аччиққўл" мелиоратив тизими бошлиғи Комилжон Ўринбоевнинг таъкидлашича, Риштон туманида ерости сувлари 0-1 метргача бўлган минг гектар, 1-1,5 метргача бўлган 2814 гектар экин майдони бор. Умуман, тумандаги ерости сувларини чиқариб ташлаш учун 191 та тик зах қочириш қудуғи, 254 км. хўжаликлараро, 835 км. ички зовурлар мавжуд.

Ҳосилдорликни оширишнинг муҳим шартларидан бири — ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Бунинг учун, аввало, зовурлар тозаланиши керак. 2006 йилда Риштонда 44 км. хўжаликлараро зовур тозаланиши лозим эди. Бугунгача 27 км. га етди. 140 км. ички зовурлар тозалаш режалаштирилган бўлса, унинг 48 км. и тозаланди, холос. Бу ишлар давлат маблағига амалга оширилади. Яна фермер хўжаликлари ҳисобидан 40 км. ички зовур тозалаш мўлжалланган эди. Атиги 6 км. тозаланди.

— Туманда пудратчи ташкилотларнинг 16 та эксковатори ишлаяпти, — дейди К. Ўринбоев. — Иш унумдорлиги кутилганича эмас. Сабаби, биринчидан, йиллар, балки ўн йиллар давомида тозаланмаган зовур кўзини очиш учун жуда катта миқдордаги тупроқ ишларини бажариш керак. Бу эса эксковатор қадамини секинлатади. Иккинчидан, ҳозир ишлаётган эксковаторларнинг энг "ёши" ҳам (икки йил аввал Урганчдан келтирилган битта эксковатордан ташқари) бундан 30-40 йил илгари ишлаб чиқарилган. Учинчидан, илгарилари ширкат хўжаликларининг иқтисоди ёмонлиги учун, ҳозир эса фермер хўжалиги иқтисоди мустаҳкам эмаслиги учун ички зовурларни тозалаш қониқарсиз аҳволда.

Комилжон яна бир гап айтмоқчи бўлди. Сезиб турибман, томоғига нимадир тиқилди. Орага сукут тушди. Мен сабр қилдим. Бир оздан сўнг:

— Уйимизда катталарнинг ҳам қулочи етмас "қантаки" ўрик бўларди. Болалигимизда, бундан 40-45 йиллар чамаси илгари онамдан бу ўрикни ким эккан деб сўраганимда, билмадим, болам, бобомнинг айтишларича, уларнинг боболари ёшлигида ҳам шу ўрик дарахти бўлган экан, дегандилар. Демак, ўша дарахтга камида 150-180 йил бўлган. Қуйиб ташларди, мевани. Охироқибат мен хонадон чирофини ёқиб турганимда аждодларимдан қолган мерос — қантаки ўрик дарахти қуриб қолди. Чунки қишлоғимизда ерости зах суви ер юзигача чиқиб кетганди...

Зах, ерости сизот сувларининг кўтарилиши илдизи чуқур дарахтлар, Риштонда эса қадимий нав —"қантаки", "муллақантаки" каби ўрик дарахтларининг қуришига сабаб бўлган бўлса, пахтачиликда эса ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатди. Бугина эмас. Ернинг ҳолати йиғим-теримни тезлатишга ҳам тўғаноқ бўляпти.

— Биринчи теримдан сўнг енгил сув бергандик. Мана, 15 кундирки, ер етилмаяпти. Далага кириб бўлмаяпти, — дейди "Амиробод жилоси" фермер хўжалиги бошлиғи Ғайратжон Жалолов.

Ушбу сатрлар ёзилаётганида Ғайратжон телефон қилиб қолди.

— Режани бажардик. 8,8 гектар майдондан 33 тонна пахта йиғиштириб сотдик.

Риштоннинг оғир ер шароитида 38 центнерга етказиб ҳосил олаётган Ғайратжон каби фермерлар ҳам бор, албатта! Жалоловлар оиласида 3 та ака-ука мустақил фермер хўжалиги тузганлар. Уларга 68 гектар ер берилган. Ака-укаларда 3 та трактор бор. Қайси ер етилса ҳайдов, ишлов техникаси ўша далага киритилади. Бири бирига елкадош. Йиғим-теримда ҳам мехники-сехники қилмай, кучларини жамлаб, пахтаси очилган майдонларга тушаверадилар.

Ёки "Ёқубжон Собиров" фермер хўжалигини олайлик. Фермер Равшан Собиров 10,7 гектарда деҳқончилик қилди. Ҳар гектаридан 38 центнердан пахта сотаман деб шартнома имзолаганди. У ҳам сўзининг уддасидан чиқди.

Аммо тумандаги барча фермерлар ҳам Жалоловлар, Собировларга ўхшаган фермер эмасда. Тумандаги хўжаликларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида тугатилиб ўрнида ўша вақтнинг ўзида тўлиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Танловда аксарият айнан шу экин майдонида меҳнат қилиб келаётганларга устиворлик берилди. Яъни ер асосан ўз эгасига берилди. Аммо ерга эгалик қилиш фақат деҳқончилик билими билан боғлиқ эмас-да. Фермерга яна ташкилотчилик қобилияти, иқтисодий билим, раҳбарлик салоҳияти ҳам керак экан. Бугун ўнлаб, юзлаб фермерларга айнан ана шу фазилатлар етишмаяпти ва бу пировард натижада ҳосилдорликка таъсир кўрсатмоқда. Бундай фермерларни камситишга мутлақо ҳақимиз йўқ. Чунки уларнинг аксарияти кечагина моҳир механизатор, фидойи сувчи, билимдон ҳосилот, қишлоқнинг обрўли кишиси эди. Аммо 30-50 гектар ерга эгалик қилиш, қишлоқдаги 20-30 оилани кетидан эргаштириш, уларга етакчилик қилиш — фермер хўжалиги иқтисоди учун бу фазилатларнинг ўзи етарли эмасди. Қолаверса, фермерлар сафига тасодифан қўшилиб қолганлар ҳам бор. Шартнома олдидаги масъулияти ва мажбуриятини тушунмайдиган, ер умрини беҳуда ўтказаётган, уқувсиз, хўжаликдан фақат шахсий манфаати йўлида фойдаланаётган нопок кишилар ҳам ерга эгалик қилмоқдалар.

Фермерга имтиёзли кредит, уруғ, ўғит, ёнилғи таъминотида, техника хизмати кўрсатишда давлат беқиёс ёрдам беряпти. Аммо, аввало, фермер шахсини яратиш, уни интеллектуал жиҳатдан шакллантириш энг муҳим масала эканини ҳаёт кўрсатмоқда. Бунга эса бир кеча, бир ой, балки бир йилдаёқ эришиб бўлмайди. Шаклланиш учун муҳлат керак.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

Ҳўжамурод ХУДОЙҚУЛОВ олган сурат

— Қани, эчкивой, мен билан би-ир олишиб кўр-чи!

Фидойи

МАТБААЧИ

Ёшлар нега унга қизиқмаяпти?

Ҳар куни эрталабданоқ газета киоскалари олдида вақтли матбуотнинг янги нашрларини сотиб олишга шошилаётган кишиларни кўрасиз. Одамлар бепоён мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида, маданият оламида, спортда, шунингдек, чет элларда бўлаётган янгиликлар билан танишишни хоҳлайдилар. Одатда эрталабки газеталардан ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган бўлади. Муҳтарам газетхонлар ҳали бўёқ ҳиди кетмаган вақтли нашрнинг қачон, қандай ва кимлар томонидан тайёрланишини, босмахонадаги иш жараёнини яхши билмасалар керак.

Матбаачилик фахрли, айни пайтда анчагина мураккаб касб. Бу касб эгалари меҳнатлари маҳсулотини дарров кўради. Маҳсулоти эса газетанинг янги сони. Эртага чиқадиган газета материаллари аввал "Линотипы" маркали машиналарида терилади. Қўрғошинга терилган ҳарфлар саҳифаланади. Кучли босим билан ишлайдиган махсус машинада қаттиқ қоғозга кўчирилади. Қоғозга кўчган саҳифа яна яхлит қўрғошинга қўйилади. Ишлов берилиб сайқалланган, ротация машинасида газета ҳолатига келади. Ана шу узлуксиз жараён босмахонанинг ҳарф терадиган линотип цехидан бошланади.

Бу цехда ишлаётган ўз ишининг усталаридан бири Бадалжон Холмуродовадир. У 1971 йилда Сариосиё туманидаги 10-ўрта мактабни тугатгач, 1972 йилда туман босмахонасига ишга келди. Тажрибали ҳарф терувчи Таня Гайнановага шогирд тушди. Икки ойлик синов муддатидан кейин мустақил ишлай оладиган бўлди. Ўшандан буён шу ерда ҳарф теради. Терганида ҳам қойил мақом қилиб теради. Шунинг учун унинг терган материалларидан ҳамма, айниқса, редакция таҳририяти ходимлари хурсанд. "Бадалжон опа Холмуродова терган материаллар тез ва хатосиз бўлади", деб уни мақташади.

Босмахонанинг Бибихон Бойматова, Мупора Шукурова, Сайфулла Ибрагимовлар каби тажрибали ҳарф терувчилари қатори елкамаелка туриб бирга ишлаётган матбаа аълочиси — Алижон Маллаев, газетани чоп этувчи Раҳматулло Ибрагимовлар ҳар ойига режа-топшириқларини 118-120 фоизга уддалаб ишламоқдалар. Яқинда Бадалжон опа Холмуродовадан босмахона иши, ишчилар шароити, айрим муаммолар тўғрисида сўрадим.

— Босмахонамиз маҳсулотини, айниқса, газета сифатини, газетага безак берилишини яхши дея олмаймиз. Бу ҳақда кўп эътирозлар эшитамиз. Лекин ишни яхшилаш учун кескин бурилиш қилинмаяпти. Бундай айтганда, биз ишимизни шу кунги талаблар даражасида тўлиқ қура олмаяпмиз. Албатта, босмахонамизда газета сифатини яхшилаш учун баъзи бир ишлар қилиняпти. Аммо бу кам. Жуда кам. Биз ишлаётган машиналар 1964 йилда сотиб олинган. Ушбу машиналар ҳозирги пайтда ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскирган. Айниқса, сарлавҳалар йўқ, шрифтлар, яъни ҳарфлар эскириб қолган. Бошқа жойларда, айтайлик, республикамизнинг барча вилоятларида, туманларида босмахона технологияси замонавийлашиб боряпти. Улар бу жиҳатдан бизга нисбатан анча илгарилаб кетган. Биз эса алмисоқдан қолган усулда газета чиқаряпмиз.

Ишчилар шароити ҳам яхши эмас. Биргина линотип цехини олиб кўрайлик. Бу ерда 2 та машина тиғиз жойлашган. Уларнинг шақир-шуқуридан қулоқлар қоматга келади. Цехнинг ҳавоси дим. Вентиляция ишламайди. Машиналарга эҳтиёт қисмлар ҳам етишмайди. Малакали ишчиларимиз саноқли. Умуман, маҳаллий халқдан матбаачилар тайёрлаш масаласига эътибор жуда кам. Ана шундай камчиликлар туфайли ишчилар қўнимсизлиги пайдо бўляпти. Янги ишга келган ёшлар эса кўнгил қўйиб ишлай олмай кетиб қолишади. Ана шу айтилганлар жамланиб газетанинг сифатига путур етказмоқда. Маҳсулотинг кўнгилдагидек бўлмаганидан кейин уялиб юрарканлар, киши.

Тўғри, босмахонага 1993 йили Олтибой Тоғаев раҳбарлик ловозимида янги иш бошлади. Лекин бу тўпланиб қолган муаммолар ҳал қилинди деган гап эмас. Бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши керак. Лекин шундай бўлса ҳам Олтибой Тоғаев шу йилнинг биринчи чорагида ишчи-хизматчиларимизнинг дам олишлари учун аёллар ва эркаклар хонасини янги қуриб ишга тушуриб бердилар. Газетани офсет усулида босилишига аллақачон ўтиш керак эди. Лекин уни ишлатадиган билимли, тажрибали мутахассис ишчи йўқ. Ишчи тайёрлаш учун эса ҳеч ким қизиқмаяпти.

Бадалжон опа Холмуродова босмахонадаги камчиликлар, ишни яхшилаш йўллари тўғрисида гапирди. Бу унинг куюнчаклигидан, ўз касбига меҳридан. Бошқалар учун ҳам фидойилигидан, қолаверса, умумманфаатни кўзлашидан. Шунинг учун ҳам Бадалжон Холмуродовани босмахона ишчи-хизматчилари касаба уюшмасининг раиси лавозимига сайлашган.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Тафсилот

"Новая газета" газетасининг етакчи мухбири, таниқли журналист Анна Политковскаянинг ўлдирилиши Шимолий Кореянинг навбатдаги ядро синовидан ҳам долзарб янгиликлар қаторида дунё матбуоти нашрларида шарҳланмоқда. Одатда, Россия раҳбари Владимир Путин туғилган кунида давлат раҳбарлари ва етакчиларидан илиқ табриклар, ширин такаллумлар эшитишга ўрганган эди. Аммо бу галги туғилган кун Путинга татимагани рост. Зотан, Россия матбуотида саноқли ҳисобланган эркин фикрловчи журналистлардан бири Анна Политковскаянинг ваҳшийларча ўз уйи олдида отиб ўлдирилиши мамлакатда жиноий тўдалар ва буюртма қотилликларнинг илдиз отаётганидан дарак беради. Сентябрь ойида Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Андрей Козловнинг ўлдирилишига ҳали айтарли аниқлик киритилмасдан туриб яна бир буюртма қотилликнинг содир этилиши ростдан ҳам Россияда уюшган жиноятчиликнинг эмин-эркин фаолият кўрсатаётганини исботлайди.

ПОЛИТКОВСКАЯНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?



Россия Бош прокурори Юрий Чайка Анна Политковскаянинг ўлими юзасидан суриштирув ва текширув ишларини шахсан назоратига олганини баён этган бўлсада, Россиянинг қатор сиёсатчилари ва журналистлар қотилликнинг фош этилишига шубҳа қилмоқда. Дастлабки тергов натижаларига кўра қотилнинг шериги аёл киши бўлгани тахмин қилиняпти. Политковская уйи яқинидаги супермаркетга кирган вақтида бу ерга ўрнатилган видеокамерада қотилларнинг бири аёл, иккинчиси эркак киши экани тасвирга олинган, деб ёзади "КоммерсантЪ" газетаси.

"Время новостей" газетасига изқуварлардан бири қотиллар Политковскаяни анча вақт кузатиб юришгани ҳақида гапирган. Политковскаянинг қўшнилари ҳеч қандай ўқ товушини эшитишмаганини таъкидлашган. "Қотил қўлида овозни пасайтирувчи мосламали пистолет бўлгани аниқ", дейди изқувар.

Журналистнинг собиқ турмуш ўртоғи, "Взгляд" кўрсатувининг бошловчиси Александр Политковский хотинига илгари ҳам таҳдидлар бўлганини эътироф этади. Александр Политковский қотилликнинг бевосита Аннанинг касбий фаолиятига боғлиқлигидан шубҳа қилмаслигини билдирган.

«Новая газета» эса: "Политковскаянинг ўлимида Чеченистон бош вазири Рамзан Қодировнинг қўли бор ёки Қодировнинг обрўсига путур етказмоқчи бўлганлар бу жиноятни содир этган", деб ёзади. Газета душанба куни чиқарган махсус сонида "Политковская Рамзан Қодировнинг фаолияти тўғрисида анча танқидий мақолалар ёзган. Ундан қасд олиш учун қотилни Қодиров ёллаган ёки Чеченистонда обрўси баланд бўлган ва бўлғуси сайловда президентлик лавозимига ўтириши эҳтимолга яқин бош вазирнинг нуфузини туширишдан манфаатдор кишилар амалга оширган", деб эътироф этади газета.

Шу ўринда айтиш жоизки, 5 октябрь куни "Озодлик" радиосидаги тўғридан тўғри эшиттиришда Политковская "Рамзан Қодиров ва унинг жангарилари одамларни ўғирлаш, қийноққа солиш каби ваҳшийликларни амалга оширган. Рамзан ва унинг жангарилари устидан бир қанча жиноий иш очилган. Рамзаннинг туғилган кунида унинг қилмишлари учун жиноят курсисида ўтирганини кўрсайдим", деб баёнот берган. Бундан ташқари, Политковская NEWSru Israel сайтида эълон қилинган суҳбатида: "Унга (Рамзан Қодировга) қилмишларини фош қилувчи чиқишларим ва йиққан материалларим тинчлик бермаслиги рост. Қодиров давлат миқёсидаги қароқчи ва Путиннинг энг фожиали хатоси унга Чеченистон тақдирини ишониб топшириб қўйгани. Аслида Чеченистон бош вазири ўзини боса олмайдиган, қип-қизил жинни. Бугунга келиб у истаган ва хоҳлаган нарсасини қилиши мумкинлигини, республикада айтгани айтган, дегани деган эканига ишониб бўлган савдойи", деган эди.

Чеченистон бош вазири эса журналистнинг ўлдирилишидан қаттиқ ғазабланганини баён қилган. "Албатта, Политковскаянинг республика тўғрисидаги материаллари ҳар доим ҳам холис бўлмаса-да, инсон сифатида бу аёлнинг қатл этилишини қаттиқ қоралайман", деди Рамзан Қодиров.

Душанба куни Россия президенти Владимир Путин АҚШ раҳбари Жорж Буш билан телефон орқали суҳбатида журналист Анна Политковскаянинг ўлими юзасидан жиддий текширув олиб борилишини маълум қилди. Бу ҳақда "Новости" ахборот маҳкамаси Кремль матбуот хизматидан олинган маълумотга таяниб хабар беради. Давлат раҳбарлари суҳбат давомида Шимолий Кореянинг ядро синови борасидаги қарашлари билан ҳам ўртоқлашди. "Давлат раҳбарлари КХДРнинг намойишкорона синови қуюшқонга сиғмаслигида муштарак фикрга эга эканини билдиришди", дейилади матбуот хизмати баённомасида.

Эслатиб ўтамиз, Путиннинг Анна Политковская қотилларини топишга жиддий киришилиши тўғрисидаги баёноти, қотиллик содир этилган 7 октябрдан буён айтилган илк расмий фикрдир.

Нигоҳ

Ўтган ой поёнида Эстонияда президент алмашди. Болтиқбўйи мамлакати Россия билан алоқалар борасида қарши кайфияти билан танилганди. Янги президент Тоомас Ильвес дастлабки баёнотиданоқ ана шу қаршилик руҳини янада кучайтириб юборди.

МОСКВАГА... БРЮССЕЛЬ ОРҚАЛИ

Эстониянинг янги президенти Тоомас Ильвес ана шундай сиёсат эълон қилди

Эстония — парламент республикаси. Демакки, давлат раҳбарини сайлашдек муҳим вазифа ҳам халқ эмас, мамлакат қонунчилик идораси ваколатига киради. Бу сафарги сайлов анчайин қизғин ўтганини учинчи турдан кейин ҳам президент номи аниқланмаганидан билиш мумкин. Шундан кейин республика қонунчилигига биноан, давлат раҳбари учун марказий ва маҳаллий кенгаш депутатларидан ташкил топган сайловчиларнинг махсус ҳайъати овоз берди. Якуний ҳисоб-китобларга кўра, социал-демократлар партияси вакили Европарламент депутати Тоомас Хендрик Ильвес 174 овоз билан ғалабага эришди. Унинг асосий рақиби, ҳозирга қадар давлат раҳбари вазифасини бажарган Арнолд Рютель эса депутатларнинг 162 та овозини тўплади. Кўриб турганингиздек, номзодлар ўртасида фарқ у қадар катта бўлмади. Боз устига, депутатлар якуний қарорга тўртинчи уринишда келишгани ҳам республикада яққол фаворит йўқлигидан далолат беради.

Аслида Тоомас Ильвесни чорак эстон, чорак швед ва ярим америкалик дейиш мумкин. Хорижда дунёга келган давлат раҳбарининг асосий ҳаёт йиллари ҳам ўзга юртларда ўтган...

Тоомас Хендрик Ильвес 1953 йилнинг 26 декабрида Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида эстон муҳожири оиласида дунёга келди. 1960 йилларда Ильveслар оиласи АҚШга кўчиб келди. Шу тариқа бўлажак президент Американинг нуфузли олийгоҳларидан Колумбия ва Пенсильвания университетларини тамомлади. Университет таҳсилидан кейин Ильвес Канадада эстон тили ва адабиётидан дарс берди, "Озод Европа" радиосида ишлади. Кейинроқ катта сиёсатга кириб келган Тоомас Ильвес мамлакатининг Шимолий Америка давлатлари билан алоқаларига масъул бўлди: Эстониянинг АҚШ, Канада ва Мексикадаги элчиси вазифасида хизмат қилди. Маълум муддат Эстония ташқи ишлар вазири лавозимида фаолият кўрсатган дипломат 2004 йили Европарламент депутатлигига сайланди. Маълумотларга қарағанда, Эстония раҳбари инглиз, швед тилларини мукаммал билади. Президентнинг шахсий эътирофига кўра, у рус тилидан бехабар...

Сайлов жараёнида Тоомас Ильвесга асосий рақиб бўлган Арнолд Рютел бир неча йиллардан буён Эстонияга раҳбарлик қилиб келган. Халқ орасида яхши ном қозонган президент ўтган йилдаги оилавий можаро туфайли мисқоллаб йиққан обрў-эътиборидан мосуво бўлди. Гап шундаки, Арнолд Рютель билан бирга истиқомат қилган невараси президент йўқлиги пайтида давлат томонидан берилган расмий қароргоҳга ўз дугоналарини йиққан. Одамлар бир неча чақирим наридан фақат томоша қиладиган сирли бинога кириб олган ёш-яланглар кўнгилларига келган номаъқулчиликларни қилишган. Тасодиф билан Эстония телевидениеси ходимлари қўлига тушиб қолган ўсмирларнинг "байрам тантанаси" ёзилган видеотасвир бутун мамлакатга намойиш этилган, давлат тимсоли саналган президент қароргоҳидаги номаъқулчилик қайноқ қонли эстонларнинг жаҳлини чиқарди. Арнолд Рютель халқидан расман кечирим сўраган бўлса-да, охироқибат беадаб невараниг қилғилиғи давлат раҳбарига қимматга тушди.

Бундан ташқари, охирги пайтларда оммавий ахборот воситалари 78 ёшли президентнинг коммунистик ўтмиши ва ёши ҳам бир жойга бориб қолгани тўғрисида бот-бот ёзишаётган эди. Мухолифлар эса президентни сиёсий мустақилликка эга эмасликда айблашаётганди. Хуллас, ана шуларнинг бари бир бўлиб швециялик америкака тарбия кўрган эстонга омад келтирди.

Тоомас Ильвес дастлабки берган баёнотиданоқ Эстония Европа йўналишида илгарилашини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Эстония Европанинг қудратли мафкура генераторига айланиши даркор. Сўнгги йиллардаги дипломатлик фаолияти давомида Европа тузини ичган президент Россия билан алоқаларни ҳам айнан ана шу қоида асосида олиб бормоқчи. Тоомас Ильвеснинг таъкидлашича, Эстониянинг Москва сари бундан кейинги йўли Брюссель орқали ўтади (Бу ерда Европа Иттифоқининг маркази Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида эканини эслаб ўтиш ўринли. Эстония раҳбари катта сиёсатга хос баландпарвоз хитоби билан республиканинг асосий ҳамкори ЕИ экани, агар Россия билан ҳамкорлик зарурати бўлса, бу Иттифоқ билан келишувга кўра амалга оширилишига урғу бермоқда).

Хабарингиз бор, Эстония 2004 йилнинг майида Литва, Латвия каби Болтиқбўйи мамлакатлари сафида Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирди. Айни шу йили мамлакат НАТОга ҳам қабул қилинди. Шу тариқа Эстония ўз сиёсий концепциясини Европа ғоясига таянган ҳолда янгилади. Мамлакат "Европа уйи"нинг иссиқ бағрига жуда тез ўрганганини ўтган йилги референдум натижалари тасдиқлади. Европа Иттифоқи Конституциясини қабул қилиш масаласида ўтказилган референдумда эстонияликлар бир овоздан ягона қонунчиликни ёқлашди. Ҳолбуки, Франция, Нидерландия каби ЕИ бинокорлари бўлган давлатлар аҳолиси ҳам ягона Конституция ташаббусига қарши чиққанди...

Ҳозирданоқ Россия сиёсатдонлари Эстониянинг янги раҳбарини танқид қилишга астойдил киришганлар. Аксарият Москва кузатувчилари Тоомас Ильвес Россия билан алоқаларни боши берк кўчага олиб киришидан хавотирда. Шунингдек, Ильвесга муҳолиф кучлар дипломатнинг асосий иш даври хорижда ўтганига ишора қилиб, уни эстон халқи ҳаётидан бехабарликда айблашмоқда. Яна айримлар эса Тоомас Ильвес махфий суръатда АҚШ фуқаролигига эгалиги ва айни пайтда у Марказий разведка бошқармаси агенти экани тўғрисида шов-шувли миш-мишларни тарқатмоқдалар.

Европаликлар фикри эса аксинча: "Арнолд Рютел гарчи Эстониянинг ЕИга киришига бош-қош бўлган эсада, улкан миқёсдаги ҳамкорликни давом эттиролмади. Европа сиёсати борасида катта тажрибага эга бўлган Тоомас Ильвес эса ана шу жиддий вазифанинг уддасидан чиқади". Бу Европа расмий ва норасмий доиралари бир овоздан бераётган баҳо.

Ана шу ижобий баҳонинг дастлабки амалий ифодаси: яқиндагина Канада ЕИ давлатлари орасида биринчи бўлиб Эстония билан виза режимини бекор қилди. Эндиликда эстонияликлар президентлари бир пайтлар ўқитувчилик қилган ва элчи бўлиб ишлаган шимол давлатига бемалол расмий муҳрсиз боришлари мумкин.

Европа яхши ҳамкор топганидан шод бўлиб турган бир пайтда Москва воқеаларнинг бундай ривожидан рози эмас. Чунки ўн йилдан зиёд вақт мобайнида Россия ва Эстония ўртасида муҳокама қилинаётган чегара тўғрисидаги битим ҳозиргача қабул қилинмади. Бундан ташқари, Эстония аҳолисининг 12 фоизини ташкил этаётган русийзабон ишчиларга ҳали ҳам республика фуқаролиги берилмаган. Боиси, рус миллатига мансуб мазкур аҳоли гуруҳи эстон тилини билмайди...

Қачонлардан бери даҳанаки тортишувларга сабаб бўлаётган бронзадан ясалган аскар монументи борасида эса яна тўхтатилиб ўтиш ортиқча.

Хуллас, Россия ва Эстония жиддий гаплашиб оладиган масалалар талайгина. Мазкур масалалар собиқ коммунист, оз бўлса ҳам, Россия билан ҳамкорлик тарафдори бўлган Арнолд Рютел даврида ҳал бўлмади. Эндиликда — Москва томон йўллар олис Брюссель орқали ўтадиган Тоомас Ильвес даврида очиқ қолаётган саволларга қандай жавоб топиш мумкинлиги ҳақида эса бир нарса дейиш қийин.

Собиржон ЁҚУБОВ

Таҳлил

«Қора олтин» бозори ташвишлари

Замонавий саноатнинг энг асосий энергия манбаси бўлган нефть нархи октябрь ойига келиб рекорд даражада пасайиб кетди. Brent типидаги нефтнинг бир баррели Лондон халқаро биржасида 60 долларга баҳоланди. Бу апрель ойидан буён кузатилган энг қуйи кўрсаткичдир.

Бундан бир ойгина олдин ҳам "қора олтин" Лондон ва Нью-Йорк биржаларида катта талаб асосида юқори баҳода сотиб олинаётган эди. Бироқ охирги пайтда халқаро бозорда нефтга бўлган талабнинг камайгани туфайли таклиф миқдори ошиб кетди ва натижада энергия баҳоси ҳам кескин қуйига шўнғиди.

Аслида охирги ойларда нефть нархи барқарор суръатда ўсиб бораётганди. Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ можаро кун тартибига чиққан апрель-май ойларида Brent типидаги нефтнинг бир баррели 74 долларгача баҳоланди. 12 июлда Исроил томонидан Ливанга уруш бошланганда ҳам "қора олтин" баҳоси 78 долларга қадар кўтарилди.

Саудия Арабистони дунё нефт заҳирасининг чорак қисмига эгалик қилади.

Дунё бозорида нефть нархининг 32 фоизга тушиб кетгани энг аввало ОПЕК давлатларига катта зарар келтиради. Сабаби, нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (Organization of Petrolium Exporting countries) сайёрамиз нефть заҳирасининг тўртдан уч қисми, аниқроғи, 80 фоизига эгалик қилади.

Маълумотларга қараганда, дунё "қора олтин" заҳираси 1 триллион 74 миллиард 850 миллион баррелни ташкил этади. Айни пайтда 11 та давлат (Саудия Арабистони, Эрон, Ирок, Кувайт, Венесуэла, Қатар, БАА, Индонезия, Ливия, Жазоир, Нигерия) ни бирлаштирган ОПЕК ҳиссасига бунинг 845 миллиард 421 миллион баррели тўғри келади.

ОПЕК давлатлари орасида Саудия Арабистони етакчи ўрин тутади. Дунё нефть заҳирасининг чорак қисмига эгалик қилувчи бу давлат биргина "қора олтин" экспортидан 35-36 миллиард доллар даромад олади. Сайёрамиз миқёсида кундалик нефть қайта ишлаш кўрсаткичи бўйича ҳам Саудия етакчи ўринда туради. 1970-йиллар охири Эронда, 1990-йиллар боши Кувайтда бўлиб ўтган ихтилофлар пайтида жаҳон иқтисодиётида саросимали ҳолат юзага келди. "Нефть инқирози" деб аталган ушбу даврда Саудия жаҳон "қора олтин" бозорини кераклн хом ашё билан таъминлаб турди.

Дунё мамлакатларининг нефтга бўлган кунлик эҳтиёжи 76 миллион баррелни ташкил этмоқда. ОПЕК бу эҳтиёжнинг ярмидан кўпроғини қондирмоқда. Мутахассислар бу борада келгусида ҳам ўсиш тенденцияси бўлишини айтишмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилга бориб «қора олтин»га бўлган кунлик эҳтиёж 103,2 миллион баррелга етади.

Жаҳон молия бозорида етакчи ўрин тутган "Goldman Sachs" компанияси стратегик энергия манбаси бўлган нефть нархининг барқарор ўсишини кузатиб, бу рақам 100 долларгача ошишини тахмин қилганди. Бироқ ҳозирча етакчи компания прогнози ўзини оқламаяпти. Қани кўрамиз, келгуси ойлардаги молиявий ўзгаришлар "Goldman Sachs" тахминларини тасдиқлармикин...

Абдул СОБИР

Дунё нефть заҳираси

Саудия Арабистони	262,697 млн. баррель
Ирок	112,500 млн. баррель
Эрон	99,080 млн. баррель
БАА	97,800 млн. баррель
Кувайт	96,500 млн. баррель

Манба: www.Opec.org

Зиёрат

Ўзбекистонимизни авлиёлар юрти деб аташлари бежиз эмас экан. Ҳатто ўзимиз яшаётган заминдаги бир қанча зиёратгоҳларни шу пайтгача билмай юрганимизни ўйласак, баъзан хижолат ҳам тортамиз. Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани ҳудудида жойлашган Хўжамушкент қадамжоси ҳақида кўп эшитганимиз бор эди. Эшитгандан кўрган афзал, деган нақлга амал қилиб, Хўжамушкент сари йўл олдик.

ХЎЖАМУШКЕНТ – СЕҲРЛИ ҚАДАМЖО

Ҳамроҳимиз — бу жойларнинг ҳар бир тошигача яхши биладиган мўътабар оқсоқол Абдулла Турдиқулов билан Баландчақир қўрғонида учрашдик. «Жуда хайрли сафарга отланибсизлар, зиёратларингиз қабул бўлсин», дея лутф қилди Абдулла ака. Чор атрофи заъфарон тусга кирган қир-адир, тоғликлар орасидан ўтиб боряпмиз. Мўъжизани қарангки, биз интилган манзил сарғайган тепаликлар ўртасида ям-яшил воҳадек кўркам манзара касб этган. Машинамиз қия йўлдан оҳиста сой сари тушиб боради. Баъзи зиёратчилар бу йўлни пиёда босиб келишяпти.

— Айрим транспорт воситалари қайтиб чиқишда қийналиши мумкин, — изоҳ берди яна бир ҳамроҳимиз Ўтбосар ака.

Табиат бу жойдан ўз бўёғини аямабди. Кейинги йилларда яхши таъмирланган бино, ўнг томонда кенг, равон шийпон. Шу ерда маъраб юрган қўйлар — зиёратчилар ният қилиб олиб келган жонликлар. Тўғридан юқорига кўтарилган сўқмоқ йўл авлиё қабрига олиб боради. Аввал ўша манзилни зиёрат қилдик. Шу ерлик одамлар бу қадамжони обод қилишда беминнат хизмат қилган кишилар номини миннатдор оҳангда тилга олишди. Вужудимизни оний ҳайрат қоплади. Қаранг, неча асрлар илгари яшаб ўтиб кетган зот қолдирган манзилгоҳ ҳамон ёдга олиняпти. Қизиқ, бугунги ишларимиздан ҳам из қолармикан, келгуси авлодлар ёдга олишармикан? Ҳўп ажиб жумбоқдор бу дунёнинг ишлари.

Сўқмоқ йўлдан пастга тушаётиб кўринишидан европаликларга ўхшаш йигит-қизларга кўзимиз тушди.

— Булар кимлар? — сўрадик.

— Яхшиси, ўзларинг гаплашинглар, — деди Абдулла ака.

Танишув асносида билдикки, бу меҳмонлар Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри атрофидан келишибди. Улар мусулмон динини қабул қилишган. Ўзлари яшаётган жойда авлиёлар тарихини ўрганишибди. Ушбу сафардан мақсад Ўрта Осиёдаги бир неча авлиёлар қадамжойларига зиёрат қилиш экан. Худди назарий билимларни амалий машғулотларда мустаҳкамлаш дегандай. Бу ҳолдан анча таъсирландик. Бизнинг заминимиздаги муқаддас жойлар дунёнинг нариги чеккасидаги одамлар эътиборига тушганлигидан ғурурланган бўлсак, шу ерда яшаб ўзимиздаги авлиёлар ҳақида кўп нарса билмаслигимиз бизни ўйлантиради.

Бундай жойларда ҳар қандай ҳикоя ўзига хос афсона ва ривоятдай эшитилади. Эмишки, шу яқин ҳудудда фарзанд кўрмаган аёл Хўжамушкентга ихлос билан зиёратга келибди. Кўп ўтмай хонадонда ўғлон туғилибди. Ҳозир ўша оромгоҳ кутилган фарзанд элу юртга таниқли шахс. Бу жойлар ҳикматига эътиқод қўйиб ободончилик ишларига ҳисса қўшибди. Бу ҳикояни эшитиб турганимизда кўзлари ожиз кампирни етаклаб келишаётганига эътибор қилдик. Айтишларича, бу ердаги сувдан шифо топганлар, кўзлари равшанлашганлар жуда кўп эмиш.

— Мана бу Ниятбулоқ, — деб изоҳ берди Ўтбосар ака. — Шу ерда қандай ният қилсангиз, албатта ижобат топади.

Бу манзарани илк бор кўрган одам ҳайратга тушиши табиий. Тошлар орасидан бир неча жойдан тиниқ сув отилиб чиқяпти. Айтишларича, ҳар бир чашманинг суви ҳарорат жиҳатдан фарқ қилар экан. Зиёратчилар юз-кўзларини, баданларини Ниятбулоқ суви билан оҳиста чайишмоқда. Биз ҳам шу удумни бажардик. Энди ният билдириш фурсати келди. Хаёлимизда гўё кимдир «Тила тилагингни» дегандек бўлди. «Аввало, юртимиз тинч, оила аъзоларимиз соғ-омон, дўстларимиз саломат бўлишсин». Бундан бошқа яна нима дейиш мумкин? Хўжамушкент каби муқаддас қадамжоларимиз эзгу ниятли зиёратчилар билан тўлиб-тошаверсин. Халқимиз фаровон ҳаёт оғушида дунё бўйлаб ном қозонаверсин. Шу сатрларни ўқиган газетхон ҳам омон бўлсин!

Шуҳрат ЖАББОРОВ

ЖАМИЯТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРТИ

нодавлат нотижорат ташкилотлар фаоллигини оширишдир

Инсоният бошидан не-не даврларни ўтказмади. Одамзот қадри сариқ чақалик ҳам қимматга эга бўлмаган, ҳазрати инсон қул қилиб сотилган илк ўрта асрлар (ўтмишнинг энг қоронғи бу кунлари тарих китобларида қулдорлик ва феодал давр деб аталади). Ер юзасини қонга ботирган, турли уруш ва босқинчиликлар билан ўтмишнинг қора саҳифаларига муҳрланган мутлоқ монархия бошқаруви даври. Кейинги юзйилликлардаги бўлинган дунёни қайтадан тақсимлашни кўзлаган империячилик ва мустамлакачилик сиёсати даври...

Олимлар ҳамма даврда ҳам жамиятнинг энг илғор ва олдинга бошловчи қатлами бўлиб келган. Ахир, олим адашса, олам адашади деб бежиз айтишмаган. Инсоният жамиятининг "энг чиркин" даврларини ўрганган илм ва фикр аҳли якка ҳукмдор эмас, адолат ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳукмрон бўлган жамият қуриш ҳақида бош қотира бошлади. Шу тариқа демократик давлат, фуқаролик жамияти ғоялари пайдо бўлди. Яъни бугун ҳам тараққий этган ва ривожланаётган дунёда катта мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлаётган демократик давлат ғояси ҳаётий эҳтиёж ҳамда зарурат асосида юзага келди.

Демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўрни ўта муҳимлиги ҳаммамизга ҳам маълум. Демократик давлатни улкан бир машина деб тасаввур қилайлик. Маълумки, техника воситалари қисмларининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги асосида ишлайди. Агар машинанинг арзимас бўлиб туюлган кичкинагина мурвати ишламай қолса, бутун бошли улкан механизм фаолияти тўхтайди. Демократик давлат "машинаси"да ҳам агар бирор бир тизим, дейлик, маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти олиб бормаса, қолган барча тизимлар минг ҳаракат қилсин, умумий ижобий натижага эришиб бўлмайди. Инчунин, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам демократик жамият механизмининг ана шундай муҳим мурватларидан саналади.

Миллий суверенитетга эришилган дастлабки даврданоқ демократик ҳуқуқий давлат бунёд этиш ғояси эълон қилган Ўзбекистонда ҳам жамиятнинг мазкур сиёсий бўғини фаолияти йилдан йилга такомиллашиб бораётганини кузатиш мумкин. Очиғини айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти хусусида мақтовдан танқид кўпроқ экани маълум. Бироқ мамлакатимиз чорак кам бир аср вақт давомида тоталитар тузум ва ягона мафкура ҳукмронлиги остида яшагани, у даврларда нодавлат нотижорат ташкилоти у ёқда турсин, сиёсий партиялар фаолияти ҳам буткул тақиқлангани бизни бироз бағрикенгроқ бўлишга ундайди...

"Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза" (2005) да келтирилишича, Ўзбекистонда 5000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият олиб бормоқда (мамлакатимиз ҳаётига доир муҳим таҳлилларни ўз ичига олган мазкур ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамда Иқтисодий тараққиёт маркази томонидан тайёрланган). Юртимизнинг турли бурчакларида, ҳар хил йўналишларда иш олиб бораётган минглаб нодавлат нотижорат ташкилотларни ягона мақсад – демократик одил давлат ва фуқаролик жамияти қуриш маслаги бирлаштиради.

Аввало, нодавлат нотижорат ташкилоти атамаси хусусида. ННТ улкан жамоат муассасалари тизимини ўз ичига олади. Мазкур тизимга жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғармалари, халқаро нодавлат муассасалар, касбий ва ижодий уюшмалар, илмий жамиятлар, аёллар, ёшлар ва фахрийлар ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар, ижтимоий-сиёсий марказлар ва бошқа шаклдаги бирлашмалар киради.

Мамлакатимиздаги аксар нодавлат нотижорат ташкилотларининг иши соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний ва маънавий тарбия, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, турар-жой ҳудудини ободонлаштириш, уй-жой инфратузилмасини биргаликда бошқариш каби жиҳатлар билан боғлиқ. Келинг, ННТ фаолиятининг ана шу йўналишларидан айримларини кўриб ўтайлик.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бирламчи вазифалардан саналади. Албатта, бу энг аввало ҳукумат ва давлат идораларининг қонуний мажбурияти. Бироқ мазкур хайрли ишда мамлакатимиздаги нодавлат ташкилотлари иштироки ҳам кундан кунга фаоллашиб бораётгани кишини қувонтиради. Бу йўналишда аксарият ННТ ўз эътиборини аҳолининг кам таъминланган қатламларига, қаровсиз қолган болаларга ёрдам кўрсатиш, ногиронларнинг тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминлашга қаратмоқда. Масалан, "Сен ёлғиз эмассан" республика болалар жамоатчилик жамғармаси аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига кўмак бериш борасида эътиборли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўз фаолиятини 2002 йилнинг ноябридан бошлаган жамғарма болаларни соғломлаштириш ва уларга психологик хизмат кўрсатиш, нотинч оилаларда ўсаётган болаларни меҳрибонлик уйларига жойлаштириш, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва уларнинг мустақил ҳаёт шароитини яхшилаш каби эзгу мақсадлар асосида ишламоқда. Бундан ташқари, жамғарма томонидан иқтидорли болаларнинг ижодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида турли ўқув курслари, тўгараклар, спорт-соғломлаштириш секциялари ташкил этилмоқда. Шу билан бирга "Сен ёлғиз эмассан" жамиятимизнинг энг кичик вакиллари манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриб келмоқда.

Жамғарма ташаббуси билан Хотин-қизлар қўмитаси қошида Республика болаларни ижтимоий адаптация қилиш маркази очилгани ҳам ижобий қадам бўлди. Марказ ногирон ва жисмоний, руҳий касалликларга чалинган, ота-онасиз ўсаётган ҳамда қаровсиз қолган болаларга ижтимоий-тиббий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади.

Табиатни асраб-авайлаш халқаро миқёсда муаммо бўлиб қолаётган ҳозирги даврда экология йўналишидаги ННТ ҳам жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, айни пайтда юртимизда 50 дан ошиқ экология масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлари иш олиб бормоқда. Эътиборли томони, мазкур ташкилотлар ҳаракатларини бирлаштириб, уларнинг давлат ҳамда халқаро миқёсдаги дастур ҳамда лойиҳаларда иштирок этишига шароит яратиш мақсадида ягона экофорум ташкил этилган.

Умуман, мамлакатимиздаги мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган мазкур муассасалар муваффақияти давлат ҳокимияти идоралари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, умумий мақсад йўлида биргаликда ҳаракатни йўлга қўйишга боғлиқ.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

КУЗ БАҲОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарвоқе, кузнинг ҳам ўз баҳори бор. Кечагина хунук кўриниб турган юлғунларнинг пушти қўйлаги сайҳонлик, далаю йўл четларига гўё кўклам келтиргандек.

Электропоезд вагони деразасига термулиб кетаётган шаҳарлик бола онасига дейди:

— Онажон, қаранг чиройлилигини! Кузда ҳам дарахт гуллабди. Ўқитувчимиз дарахтлар фақат баҳорда гуллайди, дегандилар-ку...

— Ўғлим, бу дарахт эмас, бута, уни юлғун дейишади. Кузда мана шундай рангга киради. Кузда барча экинлар, мевалар пишади.

Эҳтимол, ўшанда болакай бирин-кетин ўтиб бораётган пахта далалари, маккажўхоризор, ғалла экилган далалар, полизу сабзавот майдонлари, боғ-роғлар, қишлоқлар қиёфасида улкан саватда ҳам гул, ҳам мева-чева, пахта-ю дон — хуллас, ўзи билган барча ноз-неъматларни кўтариб олган келбатли Куз бобони тасаввур этгандир.

Кузнинг ҳам ёзи бор. Аниқроғи, туни куз, куни ёз палла ҳозир.

Сармишнинг офтоб нурларига тўйинган узумларини танлар экансиз, қайси бошини тарозига қўйишни билмайсиз: ҳаммаси сархил, ҳар донаси ширали, болли.

Бахмал олмаларини шохидан узишга кўзинг қиймайди. Шиғил, ранго-ранг мевали боғлар келинчак уйи мисол чиройли, кўркли.

Шолизорлар бағридан палов ҳиди уфуради, тўйу тантаналар оҳанги таралади.

Ҳатто бугун тиконли-нишли янтоқ ҳам дон-уруғ боғлади. Тадбиркор чорвадор янтоқзорни ўриб-йиғиб ғарамлар уйиб қўйди. Бу — янтоқ ҳам керак дегани, эрта, қаҳратонда бу тиконли озуқа қўй-эчкиларнинг тўйимли емиши дегани. Ҳа, Ўзбекистоннинг янтоғида ҳам ризқ бор, насиба бор.

Полизларда энди ҳар қандай тарвузу қовунни ейиш мумкин бўлади. Мезон шаббодалари палакнинг энг учидаги қовунга ҳам ширали таъм беради. Буни халқимиз кузда ғазанак ҳам ёзда пишган "обиноввот" билан тенглашади деб таърифлайди. Зовур ва дала четларидаги ёввойи жийдалар болакайларни ўзига чорлайди. Ёнғоқ шохида зағизғонлар пайдо бўлади. Кечки сабзавот пайкаллари олачипор далалар ҳуснига ҳусн қўшади. Тунги салқинда жунжиккан бодринг палаклари чошгоҳда яна ўзига келади. Сокин куз мусиқасига ҳамоҳанг, ҳавода мезонларнинг гоҳ мувозанатли, гоҳ учқур рақси бошланади. Овлоқ далаларда чиябўрилар тунги овга чиқади, увиллашлари қишлоқ хонадонларига етади. Ноҳасдан полиз оралаётган деҳқоннинг оёғи остида тустовуқ пириллаб қолади, лекин тутқич бермайди. Боиси парранданинг кучга тўлган, эти хонадон товуқлариникидай семирган палла ҳозир. Омборлари кўкламгача етгулик емишга тўлган чоғи, чумолилар аста-секин кўзга ташланмай қоладилар. Дарвоқе, бу паллада одамлар қазноғида ҳам ҳаракат сезилади. Кечагина бўшаб турган шиша идишлар мева-чева шарбатлари, мурабболар билан яна токчаларни тўлдиради.

Кузни онанинг кўз ёшига қиёслайман. Аммо унинг ҳомиладорлик муддати тўққиз эмас, ўн икки ойдир. Бу жараён шудгордан бошланиб то сўнгги чаноқлардаги пахта толаси териб олингунга қадардир. Пурвиқор пахта хирмонлари Олтин Куз фарзандларидир. Бугун бу хирмонларнинг туғилишига минглаб чевар қўллар доялик қилмоқда. Дарвоқе, пахта теримининг гашти бор, таровати бор. Лўппи-лўппи, момиқ толаларни чаноқдан ажратиб олар экансиз, беғуборлиги, майинлиги кўнглингга ажиб бир завқ бағишлайди, бугун кенгликни қоплаган оқлик ичида ўзингни ғаройиб денгизда сузиб бораётгандек ҳис қиласан, гўё.

"Экзотика" деган сўз бор. Назаримда, бу калом бизнинг "антиқа" сўзимиз маъносини беради. Айтишларича, бир гуруҳ хорижликлар пахта даласини кўриб бир-бирларига "Экзотика! Экзотика!" деб қийқиришган ва оппоқ пахтазорда тушган расмларини энг ноёб манзара деб баҳолашган экан.

Кузда ҳам баҳор борлигини деҳқон бобонинг юзларига табассум югурганда ҳис қиламан, пахтанинг аллақачон саранжомлаб ҳосил чўғидан хотиржам тортган кўнгилларда кузатаман. Қайси бир фермернинг аниқ-тиниқ ишлайдиган калькулятор деб аталувчи ҳисоблагичга ишонмай эски чўти билан ҳашаматли уйининг четида, невараларидан панадаги кичкина хона эшигини тамбалаб даромадларни хомчўт қилишга ўтирганини тасаввур қиламан. "Хўш, хўш" дея ҳар замонда салмоқли рақамларни оҳиста тилга олаётган деҳқоннинг шукроносини эшитгандек бўламан. Яна бировни топган даромадига семиришга мойил қўчқорми, ҳўкиз харид қилаётганида учратаман. "Молларни семиртирадиган мавсум бошланди", дейди кимдир. Ҳақ гап. Энди молнинг егани ҳам, ичгани ҳам этига тортадиган пайт. Салқин ҳаво, қуриб суви қочган ўт-пичан, ҳатто озгина кепакми, кунжара сепилган ширали пўчоқ ҳам бўрдоқига боғланган ҳўкизни пишқиртирадиган палла ҳозир.

Яна бу дамлар келин-куёвларнинг умр баҳорлари ҳамдир. Тўйлар мавсуми — асад ва сумбулада никоҳланган минглаб ёш оилаларда асал ойлари кечаётган дамлар ҳозир. Сунбулада тўйи бўлган келинчак ҳали бошдан харир ёпинчиғини олмаган эса-да янги ҳовлида эркинроқ қадам ташлай бошлади. Янги хонадонга кўникиб, энди ҳаёти илдизлари умрбод шу ерга қадалганини ҳис қилиб етди. Сал шабадага ҳид таратаётган райҳонлар қишлоқ келинчаги гулдонининг энг кўримли чечагига айланган. Шу кунларда қошларига ўсмани қалин-қалин, энли-энли қўйиб олган қиз-жувонларнинг тилида ҳазиломуз, аслида мантиқли янги мақол: "Куз ўсмаси кўкламгача..."

Ҳа, кузнинг ўз нафосати бор. Яна бу фаслда ажиб бир сокинлик бор, лекин тин олиш йўқ. Эрта-индин дарахтлар олтину заъфарон тусга киради. Оёқостига хазон тўшак тўшайди. Аммо табиат ухламайди. Озгина иликлик кунгай қирликлар бағрида нимжон майсалар пайдо қилади. Ғалла экилган майдонлар ям-яшил либосга бурканади. Кузда сепилган бедаю пиёз уруғлари аллақачон томир қадаб қад ростлаб олади. Ўтказилган дов-дарахт кўчатлари ҳам қиш тушмаёқ тупроқ билан тиллашиб бўлади. Шудгорланган далаларда тупроқ куч тўплашга киришади. Кўз олдингдан шундай манзаралар ўтар экан, кузни асло фасллар охири, маъюс мавсум деб таърифлашга тил бормайди.

...Электропоезд даричасига термулиб Ўзбекистоннинг кичик бир бўлагини томоша қилиб борган бола, уйга етгач чарчоқдан уйқуга бош қўйди. Ва тез орада ажойиб туш кўрди. Тушида у тақир-туқур электропоезд вагонида эмас, оқ-оппоқ пахталар оғушида учиб бораётганмиш. Дарахтлар қийғос гуллаган, чор-атроф баҳор чаманидек чечаклар билан безанганмиш. Шунда у пахтазор ва чаманзор орасида турган Баҳорой ва Куз Бобони кўриб қолди. Билишича, дадаси ва онасининг эркаси, жажжи синглиси Хуршидадек Баҳор Кузнинг ёлғиз, суюкли қизалоғи эмиш...

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ

Хотира

ЭЛНИНГ КЎНГЛИН КЎТАРАР ШОИР

Минг тўққиз юз саксонинчи йилнинг биринчи августи. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет) нинг журналистика факультетига ўқишга кириш учун имтиҳон топширар эдик. Соат ўн бирлардан ўтган, иншомни қоралаб ҳам бўлмагандимки, пешонаси дўнг, кўзлари катта-катта бир йигит ўрнидан шаҳд туриб, шитоб билан кузатувчилар ўтирган столга яқинлашди ва ёзиб бўлган иншосини биринчи топшириб, ташқарига чиқиб кетди. Кўпчилик қатори мен ҳам унга ҳавас ва ҳайрат билан қарадим. Дадил ҳаракати, ўктам қиёфаси эсимда қолди.

Омадим чопмай, қишлоққа қайтганимдан кейин ҳам Тошкент эсимга тушса, иншосини биринчи бўлиб топширган тенгдошимнинг ҳолати ҳам хотирамда жонланар, "У ўқишга қаттиқ тайёрланган экан, иқтидори ҳам шунга ярашадир. Ўзига ишончи шундоқ чеҳрасида балқиб турарди. Албатта, ўқишга кирган бўлиши керак. Ё шошқалоқлик қилиб ёхуд адолатсизликка учраб, у ҳам синовлардан ўтолмай қолдими? Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас", дея ўйланиб қолардим...

Бугун талабаликнинг баракали, серзавқ ва орзуларга лиммо-лим дамлари Сирдарё далаларида кечган кузлар — пахта мавсумисиз кемтикдай туюлади. Аммо ўшанда...

Минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг октябри. Таҳсил бир ойга етар-етмас бизни ҳам пахта теримига ҳайдашди. Қишлоқ боласи эмасманми, ўқувчиликда зада қилган мавсум талабаликнинг олтин онларига ҳам чанг солган ялмоғиздай кўриниб хунобим ошган. Ниҳоят, теримнинг биринчи оғир кунини "қуёш орқалаб" кетгач, шом қоралаганида судралгандай бўлиб "барак" деб аталувчи ётоғимизга етдик. Кечкиликдан кейин аксариятимиз, айниқса, биз биринчи курслар "Кунлик чарчоқдан кейин ҳали замон тарракдек қотиб қолсак керак", деган хаёлда уйқуга ҳозирланардик. Баракда биздан ташқари иккинчи ва бешинчи курс талабалари ҳам жойлашганини эшитган эсак-да, университет ётоқхонасидан жой тегмай, шаҳарнинг ҳар турли ижара уйларида базўр жойлашган мен сингарилар юқори босқичдагиларни деярли танимасди. Бирдан тевараги бўз билан ўралган қибла томондаги жойнинг "девори" туширилиб — худди театр саҳнасида парда четга сурилади-ку — дабдуруст бир йигит шеър ўқиб кетди. Бу ҳолатни кўрмаганлар оғзи очилиб, анграйиб қолди. У шеър кетидан шеър ўқир, ўқиган сари мардона овозида ҳеч кимникига ўхшамайдиган бир шиддат, тўғридан тўғри қалбга кириб борадиган ёруғ нимадир теваракда лол айланарди. Мен уни дарров танидим, у бултур синов хонасидан биринчи бўлиб чиқиб кетган ўша дўнг пешонали, кўзлари катта-катта йигит эди. У шеър ўқиркан, яқинда экранларга чиққан "Оловли йўллар" кўп қисмли бадиий фильми бош қаҳрамонини ҳаётда учратгандек бўлдим. "Ҳамзанинг худди ўзи-я». Мен бунақа жўшқин қалбли одамлар ҳаётда учрамаса керак, кинода бўртирилган деб ўйлаган, мана энди бундай кишилар ён-атрофда ҳам бўлишини биринчи кўриб туришим эди. Шунда бир ой давомида университет сабоқлари беролмаган илҳом-ижод муҳитини ҳеч кимдан сўралмай ўқилган шеър олиб келди. Ҳамма ўзича нимадир ёзсам-у, кейин мана шу шийпонда ўз тенгдошларимга ўқиб берсам деб қолган, теримдаги ҳорғинлик ҳам аллақайга ғойиб бўлганди. Ва шундан бошлаб талабаликдаги пахтага олиб чиқишлар сабоқлардан қолиш эмас, балки ёшлигимизнинг ажиб кунларида тақдирнинг бизга ҳадя этган ижод боғи, шеърият анжумани бўлди. Тўлқинланиб, орзиқиб шеър эшитгимиз, шеър ўқигимиз келса, алоҳида тадорик ё таклиф керак эмас: гоҳ баракнинг ўзида "саҳна очилиб", гоҳ шийпон ёнида гулханни ўт олдириб, ўз-ўзидан шеърхонлик бошланарди. Бу шеърхонликларни эса кўпинча биринчи бўлиб "бизнинг Ҳамзамиз" — Аъзамжон Худойбердиев бошлаб берар ва бошқарар эди.

Ўйимга тўр солманг — ҳурлар ичра ҳур,
Гулюз севгилимни ўйлаётганда.
Кетинг, ҳалал берманг, ўзбек булбули
Шерали Жўраев куйлаётганда.

Аммо Аъзам Ўктамнинг қисмати ҳақиқийси яширилиб, тўқиб бичилган сохтаси ошириб-тоширилган Ҳамза ҳаёти ва ижодига сира ҳам ўхшамади...

Шоир қалбни ёруғликка тўлдириши керак. Шоир кўнгилнинг қўрғони — дилни осмонўпар этиши жоиз. Халқнинг, элнинг кўнглини кўтаришга келади шоирлар! Буни эплолмаган шоир ҳам шоирми? Ҳеч қачон! Шоирнинг шеърини ўқиб, тинглаб, эл, инсон тушкунликдан қутулсин, дили хасталар соғайсин. Тирилган кўнглида яхшиликка журъат, ёмонликка жиллақурса нафрат уйғонсин, нафрат улғайсин. Ойдин армондан йиғлаб, қурум босган, ғашлик ҳукмрон аллақаерлари тиниқлашсин.

Аъзам Ўктам биз пахта далаларида, гулхан теварагида эшитиб куч олган, шеърлари Ўзбек отанинг қалбидан отилган булоқдай беғубор ва танти эди. Бир жигардай, бир элдошдай уни севиш, чўпон ва деҳқоннинг соддадай кўринган, аммо маъноси теран тўпори феъли каби ундан завқланиб кетардик.

Фарғонадан келаман
Келасанми ёр-о, келасанми ёр.
Сенга ошиқлигимни
Биласанми ёр-о, биласанми ёр.

Бир бошга бир ўлимни
Бўйинга олдик-а, бўйинга олдик.
Ким бевафо бўлса, уни
Худога солдик-а, Худога солдик.

Шу саккиз қаторнинг ўзида тўртта жуда катта мезонлар — унинг ҳаётий эътиқоди — ВАТАН, ЁР, ЎЛИМ — ҳаммасини бирлаштирувчи: ЯРАТГАНга борувчи самимий изҳор яркираб кўринади. Мўмин-мусулмон ўзбекнинг бундан залворли ҳикмати бўлиши мумкинми?! Юрт мустамлака, эл қул ҳолида эса-да, бу ҳикмат Аъзам Ўктамнинг қон-қонига сингиган, оила муҳити шу мезон асосида шаклланганидан хабар беради. Ҳар бир сатридан алмисоқдаги иймон нури уфуради. Уни йигирма икки ёшли йигитчанинг қулоғига бир ҳур шивирлаган бўлса ишонаверинг.

Аъзамнинг армонли, булбул чаҳчаҳидай ғами кўтаринки, тонготарда мўйсафиднинг ҳикматидай зиё уլашадиган талай шеърлари борки, уларни ўқиган ўқувчи шоир яшаган даврнигина эмас, Қиёмат қадар давом этар инсоният ҳаётининг маъсум, ёниқ, масъул чоғларини хотирлайди.

Балки умр ўтди бекор,
Олдда қандоқ кунлар бор?
Болалигим беғубор
Оламга дуо денглар.
Ошиқни отдим тикка,
Тушар чекками-пукка?
Етказмоқчиман кўкка,
Ноламга дуо денглар.

Манманлик, худбинлик билан нимага эришиб бўларди? Неки нек ният бўлса, Яратгандан астойдил сўраб, жон-жаҳди билан интилиш эвазига рўёбга чиқади. Интилиш сабабчи, Ўзи қабул қилиб, ижобат этади. Аммо ўша йилларда бунинг учун фитрий фаросатгина ёрдамга келиши мумкин эди. Ана шундай туғма фаросат билан йўлга чиққан, тилга тушган шоир Аъзам Ўктамнинг келажаги нима бўлди?

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири, тўқсонинчи йиллар бошида ёзганларини эълон қила бошлаган авлод баъзан нолиб қолишади: Иқтисодий қийинчиликлар, бозор иқтисоди ижодимизга кучли зарба берди. Фақат ёзиш эмас, уни китоб қилиб чиқариш, бунинг учун пул топиш ташвиши ҳам ўзимизнинг чекимизга тушди. Ёзайликми ёки уни чиқариш учун пул топайликми? Балки... Лекин айни шу саксонинчи йилларнинг иккинчи ярми ва тўқсонинчи йилларнинг бошида юртимиз, халқимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида шундай кескин ижобий ўзгаришлар юз бердики... асрлар давомида халқимиз орзу қилган армон билан боболаримиз кута-кута ўтган миллий қадриятларимизнинг тикланишига, эътиқод эркинлигига етдик. Майли, ёзганларимиз китоб ҳолида чиқишини бироз кутсак-кутармиз, аммо асло нолишга ҳаққимиз йўқ.

На Тошкент, на Қўқон билади мени,
Ахир ўз-ўзимни алдаб нетаман?

деб очиғини ёзган Аъзам Ўктамнинг ўша йилларда қоралаган энг сара шеърлари кескир, аччиқ ҳақиқатларнинг хушбўй гулдастасидир. Кимдир "Шеърнинг энг гўзал чиққани — ширин ёлғони", деган экан. Лекин ҳеч бир ташбеҳ, муболаға, чиройли ёлғон аччиқ ҳақиқатнинг, теран ҳикматнинг ўрнини боса олмайди.

Шоир камолга етганда, ижодкор сифатида улғайганда у фақат ҳақиқатни айтишга қасд қилгани, бу борада борган сари ҳеч ҳам тап-тортмагани, довюраклик билан элнинг, юртнинг руҳий ҳаётидан ровийлик қилганини ҳис қиласан.

Ўгайга ўхшайман она Ватанда.
Тун. Бўрон. Таҳлика...
Яшашдан бездим.
Бор овозда куйлаш тақиқланганда
Овозим очилиб кетганин сездим.
"Балоғат"

Ҳали-ҳамон миллий-диний қадриятларимизга нописанд, юриш-туриш, кийинишимизда шу нарсани кўрса "қишлоқи" деб куладиган ҳамроҳларимиз бор. Бу миллатни севган кишига жуда ҳам алам қилади. Масалан, дўппи ва тўн яқин-яқин йилларгача ўлим хабари, азадорлик белгиси бўлиб қолаёзган эди. Айримлар ҳали-ҳамон шу ғафлатда.

Кимдир ўлар, нимадир бўлар,
Ўзбек қайтса асл ҳолига.

Шоир аччиқ киноя қилар экан, кинояси пичинг доирасини ёриб чиқади. Агар миллатимиз асл ҳолига қайтса, ёвлари маҳв этилади, яхшилик юз очади, деганни маъно таг остига бериб, жасур орзу қилади. Руҳи синдирилган элни асл ҳолига қайтариш учун мозийдан далиллар изланади. Шоир уни истаганидан топади:

Қул бўлган эмасмиз, ҳеч биродарлар,
Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди.
Ўқталган мушт каби турар минорлар,
Мақбара қуббаси дубулға худди.

У ҳақиқатни санъаткорона айтишда мустамлака зулми бошидан кечган, озодликка умрини тиккан Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Асқар Қосимларнинг толиби бўлгани жуда сезилади. Аммо толиблигича қолиб кетмасдан миллий қарашларимиз хазинасини бойитди. Бу йўлдаги унинг энг муваффақиятли изланишлари, кескин, янгроқ, топилма, кашфиёт сатрларининг умри узоқ: миллат, юрт ҳақидаги қўрқмас гирялар каби қайғумизни эслаш, руҳиятимизни кўтариш учун уларга мурожаат қилаверамиз.

Аъзам Ўктамнинг йигирмага ҳам кирмаган шоирлиги, қирқ бирнинг устида хазон бўлган гул умрига мураккаб ва ўзгараётган даврнинг тўлақонли ва зерикарсиз бир талай манзаралари кўчганки, йиллар ўтган сари уларнинг қадри ошади. Унинг шундай кўламдор ва ёркин шеърларидан бири "Якшанба" рус шоири Сергей Есениннинг 20-йилларда инқилоб боис она Ватани бошига солинган кулфатлар — янги давр изтироблари ҳақидаги шеърлари, достонларини эслатади. Аммо Есенинда янги фитна ва ёлғон замонига мослаша олмаслик қайғуси устиворлик қилса, Аъзам Ўктамнинг "Якшанба"сида миллатимиз бошига солинган сўнгги қатағон — ўтган аср саксонинчи йиллари ўртасида "Ўзбек иши" дея жар солинган мусибат, адолатсизлик ва хўрлашлар, озодлик эҳтиёжи бор овозда куйланганки, мен шеъриятимизда ушбу қатағон бир нафасда, достондай қамров билан фош этилган бошқа шеърни билмайман. Ўзлигини унутаёзган, ажнабийпараст бўлиб бораётган анча-мунча ёшларимиз бу асар билан танишишса кўп фойдали бўлади. "Якшанба" мактаб дарслигига киритишга арзийди.

Шоирни бир-бирининг узвий ва мантиқий давоми бўлган "Бир кун" ва "Бир тун" шеърларида ҳам шахс-шоир тўлақонли намоён бўлади. Қолаверса, у лойқалар тиниб, қарашлар шаклланган замоннинг шахс-шоири эмас, айни эски замон билан янгиси аёвсиз курашга кирган, ким ҳақу нима тўғрилиги борасида адоқсиз баҳслар кечаётган бир даврдаги шахс-шоирнинг муножотидир. Ҳайратланарлиси, у янги бир даврга кирган ўзбек зиёлиларининг ички олами, жавобгарлигию ҳақдорлигини ўз-ўзини фош этиш билан аёвсиз тафтиш этадики, шеър чақмоғининг ёруғида даҳрий бир тузумдан чиққан эзғин ва умидвор, йўлсиз ва ҳайрон авлоднинг руҳияти порлаб жилоланади. Уч йил ўтиб 1993 йили ёзилган "Бир тун"да наинки ижодкорнинг, оддий инсоннинг-да ҳақиқий ҳаёти — иймонга келиш, ҳидоятни топиш саодати, охир оқибат Яратганга юзланиш ҳодисаси борки, етмиш йил нари берисидаги шоирларимиз сўзида бу маърифат шуъласи ғойиб бўлган эди...

Кўп нодон эканман: ахир сен бор-ку,
Бўлмасми ўзингга ҳасратим айтсам.
Ғамхўрим бир ўзинг — Парвардигор-ку,
Ҳар не бўлай энди, Ҳақ йўлдан қайтсам.
"Бир тун" 1993

Аъзам Ўктам мардона, шиддат билан яшаётганини билардик, аммо шитоб билан ўтиб кетганини билмай қолибмиз. 2002 йили феврали бошида эрталаб бекатда автобус кутиб турсам, жўрамиз Юсуф Абдуллоҳ етиб келиб, мусибатдан эзилиб дедики... Мана тўрт ярим йил ўтибди ҳамки, бу шум хабардан карахтман. Наҳотки "Қирқинчи баҳор"ини кечагина тақдим этган (китобининг номи) Аъзам шоир қирқ иккинчи баҳорга етолмаган бўлса? Начора. Шукрки, мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Бул тонг Аъзам Ўткам шеърларини қўлимга олиб, мириқиб ўқир эканман, у билан учрашдим, суҳбатлашдим. Шоирни шундан қўймасин!

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



Изоҳга ҳожат йўқ.

ЖАВОҲИР ҲОФИЗ

Алижон Эркаевга!

Яқинда телевидениеда узатилган "Изҳор" кўрсатувини ниҳоятда ҳаяжон билан томоша қилдим. Ёшлик йилларим ёдимга тушиб, хотираларим уйғонди.

Раҳматли дадамларнинг кўзларини юмиб олиб, тебраниб қўшиқларингизни сел бўлиб эшитиб ўтирганлари ҳали ҳамон кўз ўнгимда. Мен ҳам мумтоз мақом, классик қўшиқ ва куйларни тинглар эканман, руҳиятимни алоҳида бир меҳр-мурувват, нур чулғаб олади.

Сизнинг олтин фондда сақланаётган "Қора кўзим" қўшиғингизни жонли ижрода тинглаш бахтига муяссар бўлганман. Бетакрор ва бебаҳо овозингизни тинглаб, ғазал айнан сиз ижро этишингиз учун ёзилган деган хулосага келганман.

"Гиря", "Дугоҳ", "Ушшоқ" сингари мумтоз дурдоналар қатори "Тонг чоғида", "Дилбармисан" каби лирик тароналар ҳам қалбимда муҳрланиб қолган.

Мухлисларингиз орзиқиб кутган учрашувларда доно ҳофизларга хос донишмандлик билан, ҳам оддий, ҳам файласуфона қилган суҳбатларингиздан маънавий таълим ва озуқа оладилар, ўзбек санъати хазинасини сиздек жавоҳир ҳофиз ёритиб ва бойитиб турганлигидан кўнгиллар тўқ. Санъат гулшанида гўзал гуллар жуда кўп. Шу гуллар орасида энг муаттар ҳидлиси бўлиб димоғларни чоғ қилиб туришингизни тилайман.

Раҳима ПЎЛАТОВА

Янгийўл шаҳри

Ҳажвия

ШАҲАРНИНГ ПАШШАЛАРИ

Чўлда пашша бўлгич эди, пахтазор далада пашша бўлгич эди. Тошконингда ҳам пашша кўп экан. Мен қишлоқнинг боласи бўлсам, кенг дала-яйловда елиб югуриб юрган бўлсам, шаҳарингнинг бетонига қандай сиғай, деразаларни ёппасига очиб қўяман-да. Китобларда ўқиганим бор, "Очиқ жамият" деб. Пашшалар ҳам очиқ деразалардан ("томошне"сиз) кириб кела бошлайди. Ўзимнинг ватанимда, ўз уйимда ўзимга "минғ" деб келади. Бу ёғимдан чақади. "Минғ" деб келади, бу ёғимдан чақади. "Ҳей, акалар, — дейман. — Юз сўм пулим бор. "Устудентчилик" бўса буёғи". Ҳечам кўнмайди-да, шаҳарнинг пашшалари. Яна "минғ" деб келади. "Юз сўм қўшишим мумкин. Тушингизлар-да, "истипендия"га ҳали кўп бўлса. Ҳеч бўлмаганда, нон-пон еб туришим керак-ку!" Тағин "минғ" деб келади шаҳарнинг пашшалари. Худойга шукур, ўзбек сўмининг энг йириги мингталик. Йўқса, бу шаҳарнинг пашшалари "ўн минғ" деб келаберармиди? Инглизчани ўрганиб олиб "доллар" демаса бўлди.

Отам айтгич эди, энам айтгич эди: "Сенинг илигингда бўса, қайга боради" деб. "Менинг илигимда бўмаса, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ким қуради, акалар? Инсоф сари барака-да!"

"Уч юз сўм бераман", — десам-да, яна "минғ" деб келади шаҳарнинг пашшалари. Кўрпани юзимга тортсам, оёғимдан чақади. Оёғимни бекитсам, юзимдан чақади шаҳарнинг пашшалари.

Кўзим илинган эканми, тушимда-ям шаҳарнинг пашшалари, кўк пашшалари, яшил пашшалари. Ёз ойларида оқ пашшалари.

Мендан бошпурт сўрайди, "устудентски" ўтмаскан. "Бошпуртим ётоқхонада",— десам "минғ" дейди. Тўрт юз сўмга ҳам кўнмайди, фақат "минғ" дейди. Бундай қарасам, ўзимизнинг қишлоқнинг пашшалари. Тошконга "прописка"га кирганми дейман. "Земляк"ка ҳам "лигота" йўқми, "минғ" деб келади шаҳарнинг қишлоқи пашшалари. Ия, энди билдим, кечагида мени туртиб-суртиб "ҳ..." деган шаҳарнинг "месни" пашшалари экан-да! Кўнмасингга қарамас экан, савдолашмас экан шаҳарнинг зўровон пашшалари. Булар ҳуқуқни ҳам билмайди, шаҳарнинг қишлоқи пашшаларига ўхшаб. Айб ўзимизда, сўрамаймиз. Агар сўрасангиз, бу шаҳарнинг қишлоқи пашшалари олган минг сўмига чек ҳам беради.

Бояги кўк, яшил шаҳарнинг пашшаларига кўрсатайин деб, тура солиб бошпуртимни излаётиб ўзимга келдим. Шукур-ей... шаҳарнинг пашшаларига... кечирасиз... Худога шукур.

Ўнгимда ҳам шаҳарнинг пашшалари. Ҳамон "минғ" деб турибди. Додимни кимга айтаман, шаҳарнинг қурбақаларигами? Улар пашшаларни бир-бир териб есинми?

Ўйлай-ўйлай газетга ёзай дедим. Шикоятим газетга чиқса-да, бир ўзгариш бўлишига кўзим етмасов. Фақат олган қалам ҳақимга бояги тўрт юз сўмни қўшиб шаҳарнинг пашшаларига бермоқ умидидаман (Агар газетчилар ҳам "Вақтида "ИНН" олиб келмадинг", деб ёки бошқа баҳонаи важлар билан қалам ҳақи ёзмай қўймаса).

* * *

Ушбу мақола гарчанд эҳтиросга берилиб, аниқ фактларга асосланиб ёзилмаган бўлса-да (не қилай тушда кўрдим ё туш ҳам факт бўлавермадими?), газетга чиқаришингизни илтимос қилиб имзо чекдим.

ЖИЗЗАКИЙ,
устудент

Хушхабар

«Тошлоқ тонги» халқаро танлов ғолиби бўлди

Ҳар йили 14 майда бутун жаҳон мамлакатларида артериал гипертония касаллигининг олдини олиш мақсадида кенг миқёсда тадбирлар ташкил этилади. Ҳафақон касаллигини олдини олиш ва уни бартараф этишни тарғиб қилиш мақсадида Россия журналистлар кенгаши, Бутун Россия юрак касалликлари илмий бирлашмаси, "Артериал гипертония" жамоатчилик жамғармаси ва медицина асбоб-ускуналари савдоси билан шуғулланадиган "АГАБ" компаниялари ҳамкорликда шу йил май ойида эълон қилган "Ҳафақон хасталиги – XXI аср вабоси" мавзусидаги журналистлар учун ижодий танлов якунланди.

Танлов шартларига кўра, унда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг оммавий ахборот воситаларида ишлайдиган журналистлар иштирок этдилар. Улар МДҲ ҳудуддаги газеталарда гипертония касаллиги муаммолари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ёритиб, бу хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари ҳақида газетхонларга қимматли маслаҳатлар бердилар.

Ўтган ҳафтада Россия Федерациясининг Қора денгиз соҳилида жойлашган Дагомис шаҳрида журналистларнинг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Анжуман якунида ярим йил давом этган "Ҳафақон хасталиги – XXI аср вабоси" мавзусидаги танловга якун ясалди. Танлов ҳайъати аъзоларининг қарорига кўра Томск шаҳар телерадиокомпанияси жамоасига биринчи, "Россия" газетаси таҳририятига иккинчи ва "Московская Правда" газетасига учинчи ўринлар берилди. Танловда иштирок этган 40 дан ортиқ газеталар ичида Республикамиз номидан фақатгина "Тошлоқ тонги" газетаси қатнашди. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани нашри бўлган бу газета гипертония касаллиги муаммоларини сурункали чоп этадиган оммавий ахборот воситаси номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Р. БАДАЛОВ,
Тошлоқ тумани 11-мактаб
Интернет маркази администратори

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух Ҳамроевга акаси **Фарҳод Ҳамроев**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Hurriyat" газетаси ҳамда Миллий матбуот маркази жамоалари уюшма аъзоси, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга акаси **Раҳмонжон Мелибоев**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zingni anglab yet HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 1255
Т: 2076
1 2 3 4 5